

МАЖБУРИЙ НУСХА

Муҳаммадҷон ҳожн
Иброҳимов

ШОЁН ТАРИХИДАН САДОЛАР



«Наманган» нашриёти
2013 йил.

УДК: 821.512.133-3

ББК: 63.3 (5 Ўзб) - *Ўзб. тарихи*

И- 72

Масъул муҳаррир:

Мирзадавлат Юнусов -
Ўзбекистон журналистлари
иждодий уюшмаси аъзоси.

Такризчи:

Жўрахон АЗИЗОВ -
«Чуст тарихи» китобининг
муаллифларидан бири, олий то-
нфали тарих фани ўқитувчиси.

*10 41518
2*

ISBN - 978-9943-4206-2-5

1124-3621,0-1577966
НГ-----2013

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

1125-(5.0)(06)

«Наманган» нашриёти, 2013 йил.

*2013/115
A
8806*



«Тарихсиз келажак йўқ».
Н.А.КАРИМОВ.

МУАЛЛИФДАН

Мен олим эмасман, шу қишлоқнинг оддий зиёли-симан, холос. Анчадан буён менга бир эзгу мақсад сира тинчлик бермасди. Туғилган масканим-Шоён қишлоғининг тарихи ҳақида китоб битишни кўнглимга туғиб қўйгандим.

Менда бу иштиёқ мамлакатимиз қишлоқларининг ўтмиши тўғрисидаги қизиқarli рисоаларни катта эътибор билан ўқиганимда туғилганди. Ўзимдан келажак авлодларга бир эслан чиқмайдиган мерос қолдирай деган ниятда бу хайрли ишга қўл урдим, архив ҳужжатларини варақладим, кекса одамлар билан суҳбатда бўлдим.

Тўғри, илманишларим давомида қалрдон қишлоғимнинг номланиши, ёши ҳақида аниқ ёзма маълумотларга дуч келмадим. Лекин турли тарихий манбаларни топганимча, имкониятим даражасида қогозга туширдим.

Бу борала қишлоғимнинг географик жойлашуви, тарихига оид маълумотлар, терма қўшиқлар, кексаларнинг ҳикоясига таянган ҳолда фикр юритдим.



ШОЁН САДОСИ

Шоёнимсан балки соёнди,
Сой ёнида барқ урган қишлоқ.
Тарихингдан гувоҳлик берар,
Сойда оққан таги йўқ булоқ.

Фирдавсининг «Шоҳнома»сида,
Шоён-сўзи шодлик, хурсандлик,
Бир ғазалнинг сўз таҳлилилида,
Маъно берар мўлу кўлчилик.

Қанча зотлар ўтди бағрингдан,
Эсга олиб ўтмасам бўлмас,
Ўтганларни ёдга олмаслик,
Мўмин учун ибратдан эмас.

Ҳазинийдан ўқиб байт, ғазал,
Хонишлари бўлиб тошқин сой-
Мақомлардан айтаркан қўшиқ,
Сайилларда ҳофиз Каримбой.

Шоҳ Машраблан ўтса ғазал,
Булбуллар ҳам тингларкан тўхтаб.
Шеърятнинг шайдоси бўлиб,
Ўтган экан мулла Тўхтабой.

Обод қилмоқ учун Шоённи,
Уҳламасдан оттирган тонгни.
Мактаб қуриб Алихон Карим,
Маърифатга тўлдирган онгни.





Мустақиллик шарофатидан
Бошланди илму урфон.
Ислом нурин тарқатмоқ учун,
Масжид қурди ҳожи Қосимхон.

Таъзим сенга, эй она қишлоқ
Катта жомеъ масжидларинг бор.
Тавоб қилган улуғ қаъбани,
Қатор-қатор ҳожилларинг бор.

Таъзим сенга, эй азиз тупроқ,
Сахий деҳқон боғбонларинг бор.
Ночорларга эҳсон улашган
Ашурбойдек фермерларинг ёр.

Таъзим сенга, туғилган тупроқ,
Дардга малҳам табибларинг бор.
Тариқатни яхши билгувчи
Тарихшунос ҳабибларинг бор.

Юртимиз тинч, турмуш фаровон
Элинг сахий, тўкин дастурхон.
Истиқлолга шукрона айтиб,
Яшайвергин навқирон, Шоён!

Муҳаммадҷон ҳожи



МУҚАДДИМА ҲРИДА

«Ватан остонадан бошланади» деган иборанинг замирида катта ҳикмат бор. Ўзбекистон биз учун муқаддас диёр. Киндик қони томган гўша ҳам ҳар бир инсон учун азиз ва қадрлидир. Шундай экан, нафақат мамлакатимиз, балки, унинг кичкинагина бўлаги бўлган таваллуд топган маконимиз тарихини ўрганиш биз мўъмин-мусулмон бандалар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳи алайҳи вас-саллам бир ҳадисларида «Ватанни севмоқ иймондандир» деб бежиз таъкидламаганлар. Ўта чуқур маънога эга бўлган бу қаломнинг мағзини чақишимиз, шунга биноан иш тутишимиз, юртимиз, шаҳар ва қишлоқлари ўтмишини ихлос билан дилимизга жо қилишимиз лозим.

Бизга бундай кенг имкониятларни ҳаётимиз осмониди куёш бўлиб чарақлаган энг улуг, энг азиз неъмат-мустақиллик берди. Қадр-қимматимиз, гуруримизни топдик, динимизга куч бағишланди, мозийга ўзгача-тўғри нигоҳ ташлайдиган бўлдик.

Собиқ иттифоқ даврида «эскилик сарқити» деб тамға босилган, вайрона, ташландиқ ҳолга келган, ажлодларимиздан мерос бўлиб қолган меъморий ёдгорликлар қайта тикланди, шўролар тазйиқидан қўрқиб, улуг алломаларимиз томонидан битилган, эъозлаб яширилган китоблар бугун ўзини ёруғликка тутмоқда, афеуски, уларнинг қанчалари ер остиди сукут сақлаб турибди, биз имкон қадар бу бой маънавий хазиналарни топишга, тарихни ўрганишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Давр руҳи билан суғорилган бу йўлдаги ури-нишлар зое кетмаяпти, мозийнинг салоси янада



қаттиқ жарангламоқда. Биргина туманимизнинг ўтмиши билан боғлиқ «Чуст тарихи», Мавлоно Лутфуллоҳ ҳазратларининг «Маноқиб» лари, «Тошқўрғон тарихидан лавҳалар», «Кўҳна ва навқирон Варзик» каби китоб ва рисоаларнинг чоп этилганлиги энг улуғ эзгу ишлардан бири бўлди. Бу эса халқимиз, ёшларимизнинг қадимий Чустимизнинг 3,5 минг йиллик тарихини ўрганишда муҳим қўлланма бўлмоқда.

Албатта, ўтмиши олис йиллардан буён овоз бераётган Чустимиз қишлоқларининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Шоён қишлоғининг ўтмиши, фидойи инсонлари, бугунги ёруғ кунларини саҳифаларга муҳрламоқ фойдалан асло холи бўлмайди.

НЕГА ШОЁН ДЕБ АТАЛАДИ?

Қишлоқ Чуст-Баймоқ-Косонсой йўлининг жану-бида, Резаксойнинг кунботар-ғарбий соҳилига, сой ёнига жойлашган, қалимдан аҳоли яшайдиган маскан бўлган. Унинг ҳозирги ҳудуди шимолдан Чуст-Косонсой йўли, шарқдан «Сарсончап» тепаликлари, ғарбдан Қайирма қишлоғининг «Чувитка» деб номланган ерлари, Тепақўрғон насос станцияси, жанубдан Наманган магистрал йўлига туташган, 3,5 минг гектар майдонда ястаниб ётибди.

Хўш, қишлоқ нега Шоён деб аталади? Ўзбекистон энциклопедиясининг 7-томида «Шоён» арабча сўз бўлиб, «арзийди» маъносини билдиради деб ёзилган.

Буюк шоир Фирдавсийнинг «Шоҳнома» китобининг таснифида эса «Шоён» сўзи шодлик, хурсандчилик маъносиди ишлатилган. Унда «Олиб борган эзгу ишларимиздан элу улус шоёнди» дейилган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам бунинг тасдиғини кўриш мумкин.



*Азиз меҳнат сири бирлан,
Замин сеҳри аён булгай.
Ўсиб меҳнат қучогида,
Башар ризқи шоён булгай.*

Мисрадаги «шоён» сўзи мўл-кўлчилик, тўкинчилик маъносида ишлатилган. Эҳтимол бу қишлоқ ерларининг унумдорлиги сувга бойлиги, чорва моллари учун озуқанинг кўплиги ширин-шакар полиз, боғдорчилик маҳсулотларининг сероблигига берилган таърифдир. Ҳар ҳолда бу сатрлар қишлоқ кексаларининг тилларидан сира тушмас эди.

Балки, Шоённинг туб мазмунини қишлоқнинг географик жойлашувидан топмоқ керакмикин? У «Сой ён» яъни сой ёнидаги қишлоқ деган маънони билдирган. Вақтлар ўтиши билан тез айтилиши натижасида ундаги «С» ҳарфи «Ш» ҳарфи тарзида талаффуз этилган. Бундай мисолларни «Ўзбек тили шевалари тарихи»да кўплаб учратиш мумкин.

Буни тасдиқловчи терма қўшиқлар мавжуд. Қишлоқнинг энг билимли кишиларидан бири шоиртабиат, Машраб ғазалларини ёддан билган, саводсизликни тугатиш даврида ўқитувчилик қилган Тўхтабой Аҳмедов (каминанинг тоғалари) халқ оғзаки ижодидан намуналар айтиб юрардилар.

*...Жилқи боқиб, жой топдим,
Сой ёнидан жой топдим.
Ўтлар эчки, улоқлар,
Мўлдир қайнар булоқлар.*

Халқимиз азалдан ўзлари тўқиган кўплаб қўшиқларда хурсандчилиги, қайғу, ҳасратларини ифода



этганликларини яхши биламиз. Бу мисра уларнинг сой ёнидан жой топиб, қувониб яшаётганлигига ишорадир.

Қишлоқ таги йўқ булоқдан жануб томонга қараб чўзилган. Аҳоли таъбири билан айтганда, ҳақиқатанда унинг туби кўринмайди. Ундан 5 кубометр чамасидаги сув асрлар давомида сойга қараб оққан, ҳозир ҳам суви камаймаган, маҳаллий аҳоли илгари ҳам, бугунги кунда ҳам уни истеъмол қилишади.

Қишлоқнинг тепа қисмида, Чуст, Косонсой йўлининг жанубидаги «Косон» кўриғида 100 дан ортиқ булоқлар мавжуд бўлган. Мазкур ҳудуд ер ости сувига яқин бўлганлиги сабабли Резаксой ер сатқидан 20-30 метр, айрим жойлари 35-40 метр пастда оққан бўлсада, қишлоқ аҳлига деҳқончилик қилишда унчалик қийинчилик туғдирмаган. Аҳоли булоқлар сувини бир-бирига қўшиб, қишлоққа олиб борган ва деҳқончиликда фойдаланган.

Қишлоқнинг шаклланиб, ривож топишида «Косон» кўриғининг аҳамияти катта бўлган. Унинг жанубида Турсунқори, Закирёхон, Шарофатхон оталарнинг катта мевазор боғлари бўлган. Бу жойдаги булоқлар ўз эгаларининг номи билан аталган. Мирзали бобо, Латифа ача, Мозор булоқ ва ҳоказолар. Ёз ойларида одамлар кўриққа қовун экиб, қапа қилиб, кўчиб чиқишган. Ер ости суви яқин бўлганлиги учун қовун ширин ва мазали пишган.

1970 йилларга келиб булоқларнинг кўпи йўқ бўлиб кетди. Ерлар пахта майдониغا айлантирилди. Бироқ асрлар мобайнида қишлоққа об-ҳаёт бахш этган булоқлар, заканли ариқларнинг айримлари ҳозир ҳам сув бериб келмоқда.





ҚИШЛОҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ОМИЛЛАРИ

Ота-боболаримизнинг оғиздан-оғизга ўтиб келган гапларига қараганда, қадимда Шоён хўжалар истиқомат қиладиган маҳалла бўлган. Вақтлар ўтиши билан кўчиб келувчиларнинг сафи кенгая борган ва қишлоққа айланган.

Тарихчи олим Йўлчи Қосимовнинг «Қалимги Фарғона сирлари» китобида «Мўғуллар 1220-йилларда Сиганоқ, Ўзган, Бинкент, Хўжанд, Ахсикент шаҳарларини босиб оладилар» деб ёзилган. Дарҳақиқат, боболаримиз «Яжуж-мажуж» деб таърифлаган мўғуллар истило қилган ерларида мисли кўрилмаган хунрезликларни амалга оширган. Бундан хабар топган, даҳшатга тушган теварак-атрофдаги, кексаларнинг эътироф этишларича, Косон кенти аҳолиси омон қолиш мақсадида шимол ва ғарб томонларга, тоғлар ва қирлар ораси, пана жойларга тарқалиб кетган. Буларнинг айрим уруғлари Резаксой соҳили, ҳозирги Шоён қишлоғининг дастлабки ўрни-сой ёнига келиб, Косон қўриғи этагига жойлашганлар ва булоқлар кавлаб оқин сув ҳосил қилганлар, шу тариқа қишлоқнинг пайдо бўлишига асос солган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Шуларни ҳисобга олиб, Шоён қишлоғининг тарихи мўғуллар истилоси даври XII-XIII асрларга тўғри келади, деган фикрни илгари суриш мумкин.

Тарихий манбааларнинг шоҳидлик беришича, шайбонийлар Фарғона водийсини эгаллагач, бу ерга кўплаб ўзбек уруғлари, кўчманчи ва ярим кўчманчи қавмлар Самарқанд, Бухоро, Тошкент томонлардан кўчиб келиб ўрнашганлар.



Бу хусусида М. Исмоилов ва А. Абдусаломовларнинг «Тошқўрғон ва Машҳад қишлоқлари тарихидан лавҳалар» китобида шундай дейилган: «Олмос этагидаги Тоймас ҳудудига Тоймас деган ўзбек уруғи жойлашади. Тула (Пон тудасига), Уйгур (Пон туманига), Оғага ёки Сарой уруғи, Балиқчи каби ўзбекларнинг 92 та қавм уруғи ўрнашди».

Шундан хулоса чиқалики, булар қаторида Шоён ҳудудига Шолар ва Бахсус каби кўчманчи ўзбек уруғлари ҳам келиб жойлашган.

ШОЛАР ВА БАХСУХЛАР КИМ?

Юқорида зикр этилган тарихий шароитлар тақозосига кўра, Шоён қишлоғининг жанубидаги Дўнала ҳудудига Самарқанднинг Сангзор қишлоғидан ўзбекларнинг Шолар уруғи кўчиб келиб қўним топган. 96 йил умр кўрган, қишлоқда ҳурмат, эътиборга сазовор бўлган уста Мусавой ота, Отажон ота Ҳақлиевлар насл-насабларини Самарқанд томонидан эканликларини кўп бор айтган эдилар.

Шоённинг Дўнала ҳудуди қишлоқнинг жанубий томонида жойлашган бўлиб, жуда катта майдонни эгаллаган эди. Ерлари тоза ва текисликлардан, ясси тепаликлардан иборат бўлган. Бундай жойларни Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида халқ шевасида «дўнг ала» деб айтишарди. Сўздаги «г» ҳарфи талаффузда, тез айтиш жараёнида тушиб қолиб, «Дўнала» га айланиб кетган. Бу ҳудуднинг географик тузилишига қараб қўйилган номдир. Дўнала деҳқончилик, чорва молларига боқиш учун қулай бўлган. Яйловларида чорва моллари учун ўт-ўланлар кўп бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Шимолий томонида «Танга топди» деган жилга бўлиб, бу ерда

ер ости сувлари Резаксойга оқиб турганлиги туфайли сув муаммоси вужудга келмаган. Шолар қабиласи ана шу жылганинг ёнида ҳаёт кечирганлигини исботловчи далиллар мавжуд. 1970 йилларда пахта майдонини кенгайтириш мақсадида қабристон ва тепаликларни бузиб, ўзлаштириш жараёнида кўплаб уй-рўзғор буюмлари, ёзма тошлар, хум, кўза синиқлари чиққан. Мазкур топилмалар бу ерда кичик бир қишлоқ бўлганлигидан далолат беради. 1974 йилда қўшни қишлоқда яшовчи 90 ёшли Турғунбой ота «Дўналадаги қабристонда бизнинг аجدодларимиз ётибди» деган эди.

Тарихий тараққиёт туфайли аҳолининг кўпайиши деҳқончилик билан шуғулланиш, ерларни ўзлаштириш, табиий сув тармоқларини вужудга келтиришни талаб қиларди. Шолар қабиласи Дўнала ҳудудига Резаксойнинг юқори қисмидан, ҳозирги Какликқўрғон қишлоғи тепасидан оқин сув келтириш йўлини топганлар.

Кексаларнинг айтишича, улар икки ҳўкизга омоч кўшиб, Дўналага сув оқиш йўлини мўлжаллаб, сойнинг бошигача из солиб чиқишган. Аҳоли эса уни кетмон билан ариқ ҳолига келтирган. Ҳудуд пастлик бўлгани учун сув шиддат билан оққан, ҳатто қум, шагал, тошларни оқизиб келган.

Резаксойнинг қачон, қандай пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Бу табиат инъомидир. Географик жиҳатдан олганда, у Чотқол тоғ тизмаларининг жанубий томонидан бошланиб, Қирғизистон Республикасига қарашли Сумсор, Шокафтар қишлоқлари орқали ўтган. У Какликқўрғон қишлоғининг шарқий, Баймоқ, Чустнон қишлоқларининг ғарбий томонидан оқиб ўтиб, Сирдарёга қуйилади. Ёгингарчилик мўл бўлиб, сел келган

пайтларда унинг оқим тезлиги секундига 2-3 метрга боради. Бундай ҳолатда у дарахтларни илдизи билан кутариб, катта-катта тошларни бир-бирига уриб, дуч келган нарсани оқизиб, ваҳимали шовқин солади. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли Резаксойни «Шумсой», «Тентаксой» деб атайдилар. Аҳолининг кучи билан XV аср яъни 1500 йилларда чиқарилган Шоариқ ҳақида мана бу қўшиқ ҳозиргача хиргойи қилинади.

*... Шо ариқни бошидан ош думалаб келади,
Сел-у ёмғир кўп бўлса, тош думалаб келади.*

Бу ариқ 1970 йилларгача аҳолига беминнат хизмат қилди. Тўйла ариғининг тарихи ҳам 1500 йилларга бориб етади. Сув йўналишини ҳисобга олиб паст маҳалланинг юқори қисми - тепаликлар бағридан паст-баланд, эгри-бугри усулда кавланган. Дарвоқе, бу маҳалла Резаксойнинг лабида, Шоён қишлоғининг этагида жойлашганлиги учун шундай ном билан аталган.

Тўйла ариғининг кавланиш чизмаси туянинг ўрқачини эслатади. Шунинг учун маҳаллий аҳоли аввал уни «туя ариқ» деб юритган кейинчалик «тўйла ариқ» номлаган. У Шоёндаги табиий сувга энг мўл бўлган ариқ. Унда қишин-ёзин об-ҳаёт оқиб туради. 1900 йилларда ундан оққан сув ҳисобига тегирмонлар ишлаган. Ҳар йили баҳорда ҳашар ташкил қилиниб, ариқ тозалаб турилган. Ҳозир ҳам шундай. 1600 йилларда феодал тарқоқлик даври аҳоли орасида нотинчликлар келтириб чиқарган. Ўғри, қароқчилар кўпайиб, оз сонли аҳолининг мол-мулклари, йиққан ҳосилларини талаб кетиш ҳоллари содир бўлган.

Юқоридаги сабаблар, Шолар яшаётган Дўнала ҳудудида ер ости сувларининг камайиши, ичимлик сувининг шўрлиги, қурғоқчилик оқибатида оқин сувнинг келмай қолиши, хуллас, тинч, тўкин яшаш, талончилардан ўз-ўзини асраш, ҳимоя қилиш мақсадида уруғнинг бир қисми сойнинг кунчиқар томонига, ҳозирги Чустнон қишлоғига кўчиб ўтадилар ва кўчманчи қипчоқлар билан бирлашиб кетдилар.

Шолар сойнинг ғарбий томонидаги «Назарни дўнги» деган ясси тепалик устида макон туталилар. Бу маскан «хўжалар» маҳалласига туташ бўлиб, ўртасидан Резаксойга тушадиган йўл ажратиб турган. Унинг номи Бўзтепа маҳалласи деб аталган. Аҳоли ўрнашган тепаликнинг ери, оқ, тупроқ бўз тупроқ бўлганлиги сабабли маҳалла шундай номланган.

Бўзтепа маҳалласидаги уйлар бир-бирга туташ бўлган. Маҳалланинг бу бошидаги уйнинг томига чиқиб, охиридаги уй томидан тушиш мумкинлиги аҳолининг ниҳоятда зич ҳаёт кечирганлигидан далолат беради. Бу қишлоқ одамларининг ўғри ва қароқчилардан ҳимояланишлари учун ҳам қулай шароит яратган.

Бўзтепаликлар ҳозир ҳам ёз ойларида сой ёнидаги Дўнала ҳудудидаги бог-роғларга кўчиб, қишда қишлоқдаги уйларига қайтиб кетишади.

Шоён қишлоғида яшаган ўзбек уруғларидан яна бири Бахсухлар ҳисобланали. Улар асли Оҳангароннинг шарқий шимолига жойлашган, ана шундай ном билан аталалиган қишлоқдан. XV асрда кўчманчи ўзбек қабилаларининг Фарғона водийси яйловларига кўчиб келиши жараёнида бахсухлар ҳам четда қолмайди, улардан бир қисми аввал Дўнала ҳудудининг ғарбидаги «Қариянтоқ» деб аталувчи жойга, кейинроқ Шоён қишлоғининг яқини, аниқроғи



унинг ғарбий томонига ўрнашиб, катта қўрғон қурганлар, чорвачилик ва деҳқончилик билан шугулланганлар. Ҳозир бу жой Қўрғонча номи билан юритилади. Резаксойнинг кунчиқар томонидан ўрин олган Сой маҳалла худди ярим оролни эслатади. Хўжалар, шолар уруғи жойлашган ҳудудлар билан ёнма-ён бўлган маскан. 1885 йилда маҳалла аҳли анча кўпайиб, ҳудуди кенгайди. Бу ердаги Буважонбойнинг жарида оғзи ғарб томонга қараган катта гор бор. У икки хонадан иборат. Хоналарнинг ҳар бирига 25-30 киши бемалол сигади. Бу гор Шоён қишлоғининг марказидан ҳам кўзга ташланиб туради. Унинг пастида шидлат билан Резаксой оқали. Афсуски, гор ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

101 ёшга кириб оламдан ўтган Иброҳимжон ота (Каминанинг падари бузрукворлари) нинг таъкидлашларича, қишлоққа келган Бахсухлар уруғининг дастлабки вакили Шодивой деган олам бўлган экан. Шу маҳаллада истиқомат қилган унинг кичик ўғли Буважонбой 1,5 гектар атрофидаги майдонга терак новдаларини жодида майдалаб, ерга сепган ва омов билан ҳайдаб, аралаштирган. Йиллар ўтиши билан бу тераклар униб, ривожлана бошлаган. Шунда маҳаллий аҳоли «Буважонбойнинг терагига қўнган чумчуқлар бугдойларимизни еб юборди», деб Қўқон хони Умархонга арзга борган эканлар.

Қосимжон отанинг сўзларига қараганда, Бахсухларнинг бир қисми Резаксойнинг кунчиқар соҳилидан сув чиқариб, деҳқончилик қилишган, «Сарсончап» қирларида чорва молларини боқишган. Улар «оқ тош» даҳаси атрофидаги сойнинг кунчиқар қирғоғига, «хўжа» маҳалласи аҳолиси билан қарама-қарши жойда умр ўтказишган. 1650-1700 йилларга келиб, хўжалар, шолар, бахсухлар уруғлари бирла-



шиб, улар Резаксой ёнидаги кенг ҳудуд, ҳосилдор ерлар, чорва яйловларига бой масканда яшаб, Шоён (Сой ён) қишлоғининг вужудга келишига сабаб бўлганлар.

ЯНА МОЗИЙГА САЁХАТ

Шоён қишлоғининг ўтмиши ҳақида тўлиқроқ тасаввур, далилларга эга бўлиш учун унинг дастлабки қабристонлари ва масжидлари ҳақида фикр юриштишни лозим топдик. Манбааларга асосланганидан бўлсак, ҳудудда 4 та қабристон бўлган.

Кексаларнинг маълумот беришича, «Оқ тош» мазор ҳудуддаги дастлабки қабристон саналади. У қишлоқдан ва аҳолини қадимдан об-ҳаёт билан таъминлаб келаётган «Таги йўқ» булоқдан шимолга ўрнашган. Бу ердан катта ариқ ўтганлиги, унинг чекка қисмлари пахтазорга туташиб кетганлиги сабабли сув ювиб кетган. Ҳозирги кунда қабристонни қолган қисми ўралиб, турли кўчатлар ўтқазилиб, муҳофаза қилиб қўйилган.

«Хўжалар» маҳалласининг кунботар томонидаги иккинчи қабристонга ҳам ҳозир ўтган одамларнинг мурдаси қўйилмайди. Юқоридаги қабристон каби бу ҳақида ҳам аниқ маълумот топилмади. Фақат отахонларнинг хотирлашларича, бу ерда кўзга кўринган уламолардан бири Аҳмадхон Эшоннинг қабрлари бор. У алоҳида ўраб қўйилган.

Изданишлар давомида дўнала каналининг шарқий томонидаги учинчи қабристоннинг бошланиши ҳудудда аҳоли сонининг кўпайган даврига тўғри келганлигини билдиради. Чунки, у қишлоқ марказидан анча олисда, унинг ғарбий томонидаги тепаликда вужудга келган, маҳалла йўлига бориб туташади.

Шоён тарихдан садолар

Айтишларича, 1975 йилларда қабристонни тракторда кавлаб тупроқларини ўғит сифатида пахта ерига солиб, бу ерни текисламоқчи бўлишган. Шундай пайтда оқ кафанга ўралган мурда чиққанлиги сабабли дарҳол ишни тўхтатишган, дейишади.

Қишлоқнинг тўртинчи қабристонига Хўжалар ва Бахсухлар аралаш қўйилган. Биринчи тепалик 1960 йилда тўлиб, ҳозир иккинчи тепаликдаги қабрларга одамлар дафн этиляпти.

Бу ерга қайси уруф вакиллари қўйилганлигига эътиборни қаратадиган бўлсак, мазкур қабристоннинг бошланиш даври тахминан 1850 йилларни кўрсатишини тахмин қилиш мумкин.

Қишлоқ тарихини ойдинлаштиришда масжидларнинг ҳам ўз ўрни бор. Табаррук отахонлар билан ўтказилган суҳбат жараёнида улар Шоёндаги масжидларни 1880-1890 йилларда қурилганлигини айтишди.

Шоённинг дастлабки пайдо бўлган ўрнида қад ростлаган, ўша пайтнинг таниқли шахсларидан бири қурдирган «Булоқли масжид» ҳозир ҳам ёдгорлик сифатида сақланади.

«Дахма», «Сой маҳалла», Каримхон Мингбоши, Усмонжонбой масжидлари даврлар келиши билан бузиб ташланган бўлсада, одамларнинг ҳаммиша ёдида. «Дахма» дейилишига сабаб, масжид ёнида Бахсух авлодининг дастлабки вакиллари қўйилган ўн уч-ўн тўрт кишилик қабристон бўлган. Унинг ҳовлисидаги ҳовузнинг кунчиқар томонида уч хонали ҳужра, дарсхона бўлганлигини таъкидланади. 1880-1890 йилларда қишлоқнинг ҳамма маҳаллаларида ўша давр талабига мос келадиган, ёнида қироатхонаси бўлган масжидлар қурилган.

2013/11/17	Alisner Navoiy
A 8806	17 nomidagi
	O'zbekiston MK

Бундан кўриниб турибдики, аҳолининг саводхонлигини ошириш мақсадида уларнинг қошида диний билимлар берилган. Қишлоқ фарзандлари бу ерда таҳсил олиб бўлгач, Чуст, Косонсой, Наманган мадрасаларида ўқишганини қариялар ҳикоя қилишади.

Авазбой Халфа томонидан бунёд қилинган «Сой маҳалла» масжиди ҳақида аниқ тарихий манба мавжуд. 2006 йилда мазкур масжидни бузиш пайтида ёғочга 1895 йил санаси араб рақамида битилганлигини ўқишган.

Ҳа, мозий қатларини яхшилаб титкиласак, ҳар бир нарсани эринмай ўргансак, улар тўғрисида чуқур ва атрофлича мулоҳаза юритсак, Шоён қишлоғининг тарихи хусусида кўплаб маълумотлар, ҳулосаларга эга бўлиш мумкин.

ДАВРЛАР ШАМОЛИ

Кўқон хонлиги, чор Россияси даврларида Шоён қишлоғи аҳолисининг бошига аччиқ қисматлар тушган бўлсада, 1750 йилларга келиб, сув манбааларининг яхшилиги туфайли ҳудудда деҳқончилик, боғдорчилик ривож топди. Олис шаҳарлар билан савдосотиқ қилиш такомиллашди. Четдан янги-янги меҳнат қуроллари кириб кела бошлади. Бу даврда туз конларининг маҳсулотларини олиб келувчи Бойбаполвон, Мадали карвон кабилар етишиб чиққанлигини кексалар айтиб юришади.

Хўжа маҳалласи билан Бўзтепа маҳалласи ўртасида катта гузар барпо этилди, сув тегирмонлари қурилди.

1875-1876 йилларда Кўқон хонлиги тугатилиб,



Фарғона водийси Чор Россия мустақкамлакасига айлантирилди. Ташкил этилган Чуст уезди таркибига бир неча бўлим ва қишлоқ жамоалари киритилди. Варзик бўлимининг Баймоқ қишлоқ жамоасига Баймоқ, Дам, Шўрбулоқ, Чустнон, Қорақўрғон, Варзигон, Варзик, Каркидон билан бир қаторда Шоён қишлоғи киритилган эди.

Бу таркибий ўзгаришлар ҳудудларни бошқаришни осонлаштириш, халқни қаттиқ ушлаб туриш, норозилик кайфиятларининг тугилишини олдини олишга хизмат қиларди. Шунинг учун ҳам рус амалдорлари маҳаллий аҳоли ичидан етишиб чиққан, эл ичида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган кишилардан турли вазифаларда усталик билан фойдаланди.

Шоёнлик Каримхон тўра мингбоши ана шулардан бири эди. Зиёли Сидиқжон Каримовнинг эслашларича, бу инсон ҳар томонлама қобилиятли, тадбиркор, диний ва дунёвий билимларни пухта билган, сўзамол, қўли очиқ инсон бўлган. Рус амалдорлари билан уларнинг тилини пухта билганлиги учун тилмочсиз бемалол гаплаша олган. Шунинг учун Каримхон тўрани улар 1995 йилларда мингбошилиқ вазифасига тайинлашган.

Бу мансаб ўз даврида анча катта юқори лавозим бўлган. Чуст уездининг тўртдан бир қисмига ҳукми ўтган. У Чор Россияси ва уезди белгиси, муҳри билан иш юритган, чиқарилган фармонларни қўл остидаги қишлоқларда амалга оширган. Халқнинг арз-шикоятларини оқилона ҳал этиб, бир ўзи ечолмаган масалаларни ҳукумат идоралари вакиллари билан биргаликда бажарган.



Каримхон тўра мингбоши қарамоғидаги қишлоқлар унинг ҳурмат ва обрўси туфайли ўзга амалдорлар томонидан талон-тарож, оёқ ости қилинмаган. Бу ҳақда бу инсонни ўз кўзи билан кўрган кексалар шундай ҳикоя қилишган. Замондошларининг таъкидлашларича, у шўролар даврида Туркистон мустақиллиги учун курашган, миллий озодлик ҳаракатининг иштирокчиларидан саналган. Шўролар таъқибидан қочиб, 1929 йилда чет мамлакатга ўтиб кетган.

Каримхон тўра билан бир даврда қишлоқни бошқарган оқсоқоллардан Имом юзбоши катта бойлардан экан. Резаксой атрофидаги ҳамда ҳозирги дўппи рамзи қўйилган Чуст-Тўрақўрғон чегарасигача бўлган яйловлар, Чустнон қишлоғининг шарқий томонидаги ерлар унга тегишли бўлганлигини кексалар айтиб юришади. Унинг туз конига қатнайдиغان туя карвонлари ҳам бўлган.

Имом юзбошининг мол-мулки шўролар томонидан мусодара қилиниб, оиласи билан Украинага сургун қилинган. Ҳар икки инсоннинг фаолияти тўғрисида архивда ҳеч қандай маълумот йўқ.

ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ НОМЛАНИШИ ВА ҚОРАВУЛТЕПАЛАР

Қишлоқ тарихини яратишда ҳеч нарсани кўздан қочирмаслик лозим. Косонсой йўлидан буриладиган жойдан келгунгача бўлган ерлар «Жумалик» деб аталган. Унинг кўп қисми яйлов бўлган, шу ҳудудга илгари пахта, бугдой, макка, беда ва бошқа экинлар экилган. «Жумалик» даги ерлар шолар ариғидан сув ичган. Бахсухлар авлодига қараган бу ҳудудга



жума кунлари сув берилгани учун шундай номланган бўлиши керак.

Унинг ғарбий томонидаги иккита айланаси 3.5-4 метр атрофидаги аҳоли таъбири билан айтганда, қўш садалар одамларга ёзда соя-салқин, ёмғир-сочинда бошпана вазифасини ўтаган. У Чустдан, ҳатто узоқ масофалардан кўзга ташланиб турган. Кексалар бу садаларни 250-300 йил умр кўрганлиги ҳақида гапириб, баҳслашардилар. 1980 йилларда у пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида кесиб ташланган.

Резаксойнинг ғарбидаги 10 гектарча келадиган текисликлар «Оқ тош» деб юритилган. Бу даҳадаги экин майдонлари Толиббойвачча деган одамга қараган. Қосимжон бобонинг гувоҳлик беришича, бу ерларни хўкиз билан ҳайдаш чоғида жуда катта оппоқ тошлар чиққан. Шунинг учун у юқоридагидай ном билан аталган.

Сойнинг кунботаридаги 40-50 гектар атрофидаги деҳқончилик учун қулай, ҳосилдор ерлар шўролар давригача Бахсук уруғларининг эҳтиёжини қондирган. Бу ҳудуд «Ўқчи» деб номланган. Ҳудудда ёши 250-300 йилга тенг келадиган жуда катта садақайрағоч ҳақида кексалар ҳозиргача гапириб юришади.

Буважонбой деган одамнинг садаси Чустдан Косонсойга қатнаган йўловчилар учун дам олиш «маскани» га айланган. Мазкур ҳудуднинг «Ўқчи» дейлишининг боиси бор. Абдуллахон отанинг сўзларига қараганда, шу қишлоқда яшовчи бир кишининг томоғига қўйнинг тумуғи (силлиқ, кичик суяк) тикилган. Варзик қишлоғидаги табибга шошилиб кетишаётганда, шу ерга келганда у қаттиқ ўқчиб юбо-



риб, суяк чиқиб кетган, дейишади. Балки, бу даҳанинг шундай ном билан юритилишига юқоридаги воқеа сабаб бўлгандир?

Шоён қишлоғи ҳудудида аҳолини турли хавф-хатардан хабардор этиб турувчи иккита қоравултепа бўлган. Қишлоқнинг жанубида жойлашган биринчи қоравултепа «Сарсончап» қирларига уланиб кетган. Маҳаллий аҳоли уни ҳурмат юзасидан «Қоравулбобо» деб атаган.

Тўхтабой ота (каминанинг тоғалари) ярим ҳазил аралаш «Бу тепалик Шоённи пойлаган» дердилар. Дарҳақиқат, бу ердан бутун теварак-атроф, ҳатто Сирдарё ҳам кўриниб туради.

Шу ўринда бир гап. Бу қирларнинг ичига кирган одам йўлини тополмай, сарсон бўлиб ҳолдан тоярган. Шунинг учун бўлса керак, тўрақўрғонлик Исоқжон хожи Ибрат, «Фарғона тарихи» китобида уни «Сарсончап» деб атаган.

Тепалик устида махсус одам пойлоқчилик қилиб, у Резаксойнинг қуйи оқими, «Сарсончап» қирлари томонидан келган қароқчи, ўғри, босқинчилардан қишлоқ аҳлини огоҳ этган.

Иккинчи қоравултепа ҳам ана шундай вазифани бажарган. У қишлоқдан Чустга чиқиш йўлининг шимолий томонида ўрнашган бўлиб, бу ердан шимолий-ғарбий сарҳадлар, тоғ атрофлари, Варзик қишлоғи, Чуст шаҳрини бемалол кўриш мумкин. Иккинчи қоравултепа 1975 йилларда текисланиб, аввал пахта майдони, сўнгра аҳоли истиқомат қилдиган турар-жойларга айлантирилди. Ҳозир тепаликлар ўрнида янги маҳаллалар қад ростлаган.



ШҶРОЛАРНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ СИЁСАТИ

Туркистон ўлкасида ёппасига жамоа хўжаликлари ташкил этила бошланди. 1921 йилларда Шоён қишлоғида ҳам бу ҳаракатнинг «шабада» си эса бошлади. Одамлар колхозларга уюшиб, меҳнат қилишарди. Бой ва камбағалларни иш қуроллари, от-уловлари билан бир жамоага уюшишга мажбур қилинди. Бўйин товлаганларни турли жазолар кутарди.

Ўша йилларда қишлоққа шўро ҳукуматининг вакиллари келиб, «Биз камбағаллар ҳукуматимиз», деб аюҳаннос солишди, уларнинг йўлларига кирмаганлиги учун «Бойларни халқ душмани» деб эълон қилдилар. Уларга синфий душман «тамғаси»ни босдилар. Диний уламоларга салбий муносабатда бўлдилар.

Архив малумотларига кўра, 1925-1928 йилларда Шоён қишлоғида ер-сувли бойларга қарши кескин кураш олиб борилди. Ўзига тўқ мулкдор оилалардан 4 нафари турли ўлкаларга сургун қилинди. Абдуқажумбой деган одам уч нафар ўғли билан Тожикистонга, Имом юзбоши, Қўчқорбой Имомов, Қажумжон Имомов бутун оила аъзолари билан Украинага мажбуран кўчиртирилди. Ҳукумат вакилларининг қаттиқ тазйиқидан қўрққан одамлар колхозларга аъзо бўлишарди. Шўролар сиёсатини жойларда кенг сингдириш мақсадида 1926 йилда ҳудудда Шоёнбаймоқ қишлоқ совети тузилди. Унга Жўра батрақнинг ўғли Усмонали Жўраев раис, Турғунбой Қўзиев котиб этиб сайландилар. Қишлоқ совети таркибига Шоён, Баймоқ, Шўрбулоқ, Дам, Қизилтепа, Какликқўрғон, Чустнон қишлоқлари кирганди.



Аҳолини колхозга жалб қилиш, уларни сиёсий-маънавий жиҳатдан бошқариш, коллектив хўжаликларнинг режаларини бажарилишини кузатиб бориш қишлоқ совети раислари ва ходимлари зиммасига юклатилганди. Уларнинг фаолиятини назорат қилиш НКВД, яъни шўролар давлатининг ички ишлар бўлимига топширилганди.

Шундай қилиб, Шоён қишлоғида 1930 йилларда иккита колхоз тузилиб, уларга одамлар ўзларининг ерлари, хўкиз, от-араваси, омовчлари, хуллас, бисотларисидаги ишлаб чиқариш қуроллари билан аъзо бўлиб кирдилар. Дастлабки «Қизил тўп», «Қизил ой» хўжаликларига Деҳқонбой Ҳакимов, Гофурбой Назаров деган кишилар раислик қилдилар.

1931 йилга келиб, иккала хўжалик бирлаштирилиб, битта Молотов номли колхозга айлантирилди. Унга Орифжон Худоёров раис бўлди. Тўхтабой Холмирзаевнинг хотирлашларича, бу даврда мазкур хўжаликда 8 та хўкиз, 25 та от, 2 та арава, 6 та беда ўриш учун ўроғ бўлган экан.

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР ЁДНОМАСИ

Бутун дунёни ларзага солган иккинчи жаҳон уруши шоёнликларнинг бошига оғир кулфатларни солди. 1941-1945 йилларда қишлоқдан қанча йигитлар фронтга кетганлиги ҳақида аниқ архив маълумотлари йўқ. Кексалар билан суҳбатлашиш чоғида урушга 128 киши кетиб, уларнинг 72 нафари соғ-омон ўз юртига қайтиб келганлиги аниқланди.

Жанггоҳларда қон кечиб, қаҳрамонлик кўрсатган жасур ўғлонларнинг номини, уларнинг хотирасини қишлоқ аҳли алоҳида эъзоз билан тилга олади ва

эслайди. Қуйидагилар жангларда ҳалок бўлган шоёнлик мард ўғлонлар: Маҳкамов Ҳошимжон, Маҳкамов Қосимжон, Шодмонов Курбонбой, Курбоннов Бўрибой, Аҳмедов Йўлдошбой, Аҳмедов Турғунбой, Каримов Муҳаммаджон, Юнусов Марайимжон, Юнусов Мадаминжон, Аҳмедов Турдали, Жўраев Умарали, Оппоқов Маъруфжон, Қаюмов Ҳабибжон, Сулаймонов Йигитали, Бўриев Тўрабой, Каримов Фанижон, Маҳмудов Рустамжон, Маматов Луқмонхон, Маматов Жаҳонгир, Баҳодиров Садриддин, Аҳмедов Мирзакарим, Аҳмедов Умаржон, Аҳмедов Райимжон, Рустамов Самижон, Комилов Иброҳимжон, Ғопиров Жаббор, Ҳамзаев Меҳмонхўжа, Холбоев Солижон, Абдурахмонов Насруллахон, Тошматов Лутфулло, Тошматов Пўлатхон, Сайдуллаев Бозорбой, Оппоқов Садир, Носиров Жўрахон, Назаров Жабборали, Аҳмедов Маъруф, Муроталиев Райимжон, Муроталиев Марайим, Усмонов Акбарали, Ортиқов Қамчибек, Ортиқов Лочинбек, Марипхонов Мўминхон, Тоҳирхўжаев Резихон, Холбоев Солижон, Комилов Исмоил.

Урушда жасорат кўрсатиб, қишлоққа эсон-омон қайтиб келган собиқ жангчилар: Рустамов Баҳодир-«Жасорат» медали совриндори, Ниёзов Валижон-«Жасорат» медали совриндори, Назаров Ҳайдарбой, Ҳамдамов Вақобжон, Ғофуров Шаҳоббой, Ғойипов Рамонали, Ғойипов Валижон, Ғойипов Шораҳим, Мусаев Мирзали, Мусаев Қамбарали, Узоқов Исоқбой, Ҳайитов Сайдулло, Мадалиев Файзулло, Мадаминов Сайдулло, Раҳмонов Абдулқосим, Раҳмонов Ҳошимбой, Рустамов Тўхтахўжа, Атажонов Муҳаммад, Атажонов Самихон, Нурматов Нишонбой, Қосимов Бозорбой, Аҳмаджонов Валихон, Холбоев Валижон, Каттахўжаев Жаҳонгир.

Навқирон йигитлар урушда жон олиб, жон беришар, қишлоқ хўжалиги ҳувиллаб қолган, уларнинг меҳнати кекса эркаклар, хотин-қизлар, ҳатто болалар зиммасига тушганди. Мана шундай дамларда дам олиш кунлари, меҳнат таътиллари бекор қилинган, иш куни ва соати узайтирилган эди.

Шоёнликлар ҳам фронт ортини мустақкамлашга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Кундузи пахта териб, кечалари буғдой ўришар, ҳаловатдан, фароғатдан воз кечиб ишлардилар. Давлатнинг фармониغا кўра уруш орқасини мустақкамлаш учун зарур бўлган турли даражадаги раҳбарлар, мутахасислар, тракторчилар ҳарбий комиссариат томонидан олиб қолинганди.

Таҳликали дамлар бўлишига қарамай мамлакатда сув омборлари, каналлар, электростанциялар қуриш лойиҳалари амалга оширилиб, ишчи кучи етарли бўлмагани учун барча аҳоли ҳам шу ишга жалб этилганди.

Ҳарбий комиссариат томонидан урушдан олиб қолинган колхоз фаоллари: Узоқов Абдулло фирқа кўмитаси котиби, Баҳодир, Аҳмедов Умарали ҳисобчи, Раҳмонов Иброҳим, Шарипов Ғойназар, Раҳмонов Самсоқвой, Ҳамзаев Абдуллаҳўжа, Ҳакимов Деҳқонбой, Нодиров Нурмуҳаммад бригада бошлиқлари, Сапиев Ғиёсхон чорва мудир. Уруш ортида фидокорона меҳнат қилган эркаклар: Ҳақлиев Мусавой, Эшназаров Каримбой, Милтиқов Алибой, Ҳақлиев Атамжон, Ҳақлиев Деҳқонбой, Раҳмонов Иброҳим, Усмонов Алибой, Жамолов Масадхўжа, Аҳмедов Тўхтавой, Маҳмудхон Қийғирчи, Авазов Маламин, Шокиров Ғойибназар, Нодиров Нурматжон, Суфиев Ғиёсхон, Шодмонов Кўзивой, Мусаев Бойбажон, Эгамов Кўзивой, Ҳамроев Умарбой, Матбоев Маҳмуд, Толипов Қосимжон, Иномов Бегматвой, Зуваев Умаралихўжа, Мамасидиқ

ота, Ҳамзаев Абдуллахон, Дадахўжаев Абдулло, Орипов Зокирёхон, Тоҳирхон домла, Ахмедов Сайфиддин, Мадалиев Исавой, Узоқов Абдулло, Малали бобо, Акрамхонов Юнусалихон.

Қонли уруш йилларида эркакларнинг зиммасидаги меҳнатни ўзларининг нозик елкаларига олиб кечани-кеча, кундузни-кундуз демай бутун ғайратини ишга солган аёллар: Зилола ача, Ойлар ача, Розия хола, Суфиева Тожиҳон, Ахмедова Ўғилхон, Жўраева Тожиби, Комилова Мастура, Эшназарова Назокат, Раҳмонова Хосият, Ахмедова Ниссаби, Ахмедова Роҳатби, Ахмедова Меҳринисо, Каримова Фотима, Каримова Зухра, Милтиқова Манфират, Сиддиқова Ойшахон, Каттахўжаева Рафохатхон, Жамолова Бувихон, Нодирова Холби, Темирова Нурби, Нодирова Ҳидоят, Ғойипова Тожиби, Ғойипова Сабоҳат, Орипова Нуриниссо, Зуваева Роҳатхон, Ўғилхон, Раҳмонова Муборак, Толипова Ҳикоят, Шокирова Роҳатби, Авазова Гулсин, Мадалиева С, Мадалиева Робажан, Отажонова Ҳикоят, Ҳақимова Ўринжон, Ҳамроева Турдиби, Йўлдошева Тўхтагон, Назарова Турдихона, Даримова Донохон, Узоқова Шаропат, Узоқова Турдихон, Охунова Ўғилхон, Ҳайитова Шаҳри, Ҳамдамчаева Ўғилхон, Ибрагимова Мукаррам, Ибрагимова Баҳри, Атажонова Холби, Маҳкамова Орзиби.

Суронли, машаққатли йилларда Шоён қишлоғидаги хўжаликда 2 та ХТЗ русумли трактор бўлиб, у фақат бузилганда тўхтаган холос. Ана шу техникаларни бетўхтов ишлатган тракторчилар: Сайдуллаев Шарофбой, Милтиқов Атлибой, Нодиров Қурбонали, Акрамов Ортиқбой, Қаюмов Ортиқбой, Ҳамдамов Қурбонбой, Умаров Собирхон, Ҳақимов Раҳмонали, Ҳайитов Нематилла, Авазов Мадамин.



ТИНЧЛИК ДАВРИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР

Неча юз минглаб одамларнинг ёстиғини қуритган, бошига мусибат солган ёвуз уруш шаҳар ва қишлоқларнинг равнақ топиши, аҳоли фаровонлигига беҳисоб даражада путур етказганди. Колхоз белгиланган режани бажаролмай, аъзолар учун даромад ўрнига қарздорлик вужудга келганди. Шўролар давлати томонидан ер, мулк солиқларидан ташқари гўшт, сариеғ, жун солиқларининг солиниши халқнинг турмушини ёмонлашувига олиб келганди. Битта оила учун бир бош боласи билан қорамол, икки бош қўй, битта эшак боқиш мумкин эди, холос. Оти бор одамлар эса хусусий мулкдор саналиб жазоланар ёки ҳайвони колхоз ҳисобига мусодара қилинарди.

Шоён қишлоғи аҳли ҳам ана шундай жабр-у, жафоларидан бенасиб қолмади. Бундай оғир шароит кўплаб одамларни ўзга юртларга кўчиб кетишга мажбур қилди. Бу даврда ҳукумат Мирзачўл ерларини ўзлаштириб, пахта майдонларига айлантириш бўйича қарор қабул қилиб, у ерга бориб ишлаганларга имтиёзлар, қулайликлар берганди. Қишлоқнинг кўплаб фуқаролари хўжалиklarини тиклаб олиш учун ана шу зарбдор қурилишда ишлади.

Ўша пайтдаги хўжалиklar собиқ шўролар давлатининг доҳийлари ва амалдорлари номи билан аталар, уларни равнақ топиши йўлида астойдил иш олиб бориларди. Молотов номли колхоз тасарруфида 1,5 тонна юк ташийдиган «Полуторка» машинаси, НАТИ деб номланувчи ҳайдов трактори мавжуд эди. Бу хўжаликка 1948 йилдан 1953 йилгача Ориф-



жон Ҳудоёров, Абдулло Назаров, Ҳайитгул Давронова, Ҳайдар Умаров, Усмонали Жўраев, Аҳмаджон Ўринбоевлар раис бўлганлар.

Архив маълумотларига қараганда, шўролар ҳукуматининг махсус фармонига кўра хўжаликларни йириклаштириш ишлари бошланиб кетди. 1953 йилнинг охирига келиб, Шоён, Қизилтепа, Каклик-қўрғон қишлоқларини бирлаштирган юқоридаги хўжалик Шўркент қишлоқ совети ҳудудидаги Сталин номидаги колхозга қўшилди. Уни 1955 йилнинг охиригача А. Ҳамдамов бошқарди.

«Энгельс» номидаги колхоз Ҳабибулло Абдуллаев раислигида фаолият юритди. Бу даврда Шоён хўжалик марказидан узоқда жойлашганлиги учун анча эътибордан четда қолди. Ўша вақтда I та фельдшер ишлайдиган тиббий шаҳобча бор эди холос. Шундай бўлсада, бирлашган хўжаликда аста-секин ривожланиш юз бера бошлади. Пахта майдонлари кенгайди. «Жумалик» ҳудудидаги йўлнинг икки томонига тут кўчатлари ўтқазилди. Қишлоқ йўлига шағал ётқизиблиб, равланлаштирилди.

1957-1958 йилларга келиб, пахтачилик анча юксалди. Ҳар гектар майдондан 45 центнердан ҳосил етказилганлиги учун «звено» бошлиғи Бегмат ота Имомов собиқ (СССР) Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари кўрғазмасида қатнашди.

1963 йилнинг адоғида мазкур колхозга серғайрат, деҳқончилик сирларини яхши биладиган, билимдон раҳбар Неъматилла Бозоров раислик қилди. Вужудида ташкилотчилик қобилияти жўш уриб турган бу инсон қишлоқдаги унумдор ерларни кўриб, ишга енг шимариб, шиддат билан киришди. Дўнала, «Жумалик» ҳудудларидаги ерларни ўзлаштириб, экин май-

дониға айлантирди. Оқ тош ҳудуди орқали Резаксойдан катта канал-ариқ қавлатиб сув олиб келди.

Барча майдонларға пахта экилди. Колхоз иқтисодий жиҳатдан юксалишға юз бурди.

Моҳир ва иқтидорли бу раҳбар ўз даврининг энг юқори мартабаси, обрўси саналган собиқ Олий Советиға депутат этиб сайланди. Шоён қишлоғи бу даврда ҳам узоқ масофада жойлашганлиги учун яна эътибордан четда қолди. Бу шоёнлик сўзға чечан, сиёсатни яхши тушунадиган, ҳар қандай шахс билан муомала қилиш қобилиятиға эға бўлган Масайидхўжа Жамолов каби фаолларни ташвишға солиб қўйганди. Жонкуяр бу инсонни ҳамқишлоқлари юқори ташкилотларға ариза билан мурожат қилиш учун вакил этиб сайлашди. Уларнинг саъй-ҳаракати, туман, вилоят раҳбарларининг ёрдами билан хайрли иш амалға оширилди.

1966 йилдан «Чуст» колхози ташкил топди. Маҳмуджон Шарипов раислик қилган янги хўжаликда одамлар катта ғайрат, иштиёқ билан ишға киришадилар. Хўжалик аъзоларнинг бир мақсад йўлида уюшқоқлик билан қилган меҳнатлари учун белгиланган режалар ортиғи билан уддалланди. Қишлоқда ҳаёт жонланади. Йил охирида даромадлар кўпайиб, аҳоли турмуш шароити бир мунча яхшиланди. Колхоз учун идора биноси қурила бошланди. Барча хонадонларда электр чироқлари порлади.

Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқ марказиға тобелиги кучайган, пахта якка ҳокимлиги авжи олган йилларда қишлоқнинг ўқимишли ва билимдон, асл жонкуяр фарзанди Алихон Каримовнинг раислигида хўжаликда қатор ибратли ишлар амалға оширилди.

У 1972-1976 йилларда қишлоқнинг шимолидағи адирликлардан ўтган «Чуст» каналидан узунлиги 2

километр бўлган сув йўли қаздириб, эски «Шолар ариғи» га улатади ва далаларга об-ҳаёт таъминотини яхшиланишига эришади. Уни одамлар ҳозирги кунда ҳам «Алихон Каримов канали» деб айтишади. Унинг фаолияти ҳақида кейинги саҳифаларда батафсилроқ танишасиз.

Кейинги йилларда хўжаликни Х. Авазов бошқарди, унга Қизилтепа қишлоғининг фахрли фарзанди, собиқ шўролар давлатининг армия генерал-майори Ф. Норхўжаев номи берилгандан сўнг эса илгари ҳам жамоага раҳбарлик қилган Л. Болтаев иккинчи бор раис этиб сайландилар. Бу даврларда ҳам қурилиш-ободончилик соҳасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.

Деҳқончилик илмини пухта билган, мутахассис-агроном Жўрахон Маҳмудов раислик қилган кезлар айниқса, эътиборга лойиқдир. 1988-1992 йилларда у ташкилотчи, фидойи раҳбар сифатида деҳқончиликда ҳосилдорликни ошириш, хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичларини кўтариш билан бирга одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ободонлаштириш соҳаларига алоҳида диққатини қаратди.

Уша вақтларда Шоён қишлоғида ер ости сувлари кўпайиб, экин майдонларини зах босганди. Ж. Маҳмудов юқори ташкилотларнинг ёрдамида бу табиий «офат» ни йўқотишга киришди. Техникалар ёрдамида закон кавлатиб, зах сувларни Резаксойга оқизиб юборишга эришди.

Қишлоқнинг марказий кўчалари, йўллари асфальт қилинди, замонавий чойхона биноси қурилди. Унинг ёнида сартарошхона, кутубхоналар ташкил этилди.

У тажрибали агроном сифатида пахтачилик, чорвачиликни ривожлантиришга ҳаракат қилди. 1988 йилда 1016 гектар майдонга пахта, 80 гектар ерга

бошоқли дон, 60 гектар ерга макка экилиб, мўл ҳосил олинди. 1989 йилда колхоз давлатга 195 тонна дон, 3050 тонна пахта, 97 тонна гўшт, 470 тонна сут, 89 минг дона тухум, 11 минг тонна пилла каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берди.

1989 йилда генерал Ф. Норхужаев номли колхозда архив материалларининг 494-фонди, 1-руйхат 199-ҳужжатига кўра қуйидаги техникалар мавжуд бўлган: «Т-4» 15 та, «Т-28» 39 та, «Т-40» 3 та, «ДТ-75», «Т-100», «Булдозер», «МТЗ-50» белорус каби тракторлар 1 тадан, ғалла комбайини 2 та, трактор прицеплари 33 та, автомашиналар 18 та ва бошқа техника воситалари бўлганлиги қайд қилинган.

ИЛМ ОЛИШ ВА САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

1925-1930 йилларда шўролар давлати Туркистон ўлкасида ёппасига саводсизликни тугатишга киришди. 1927 йилда Шоён қишлоғидаги Каримхон тўра мингбошининг уйида ана шундай мактаб очилди. Унинг биринчи муаллими Тўхтабой ота Аҳмедовнинг айтишларича, мактабга ёшидан қатъий назар каттаю, кичик қатнаб, араб алифбосида савод чиқарган.

1930 йилда қишлоқ гузаридаги масжид шўролар ихтиёрига олиниб, бу ерда синф хоналари ташкил этилган. Ўша даврда мактабда 1 дан 3-синфгача, 66 нафар бола таълим олган. Шундай қилиб, билим маскани 1941 йилда бошланғич 7 йиллик, 1960 йилда 8 йиллик, 1968 йилдан 10 йиллик мажбурий таълим мактабига айлантирилди. Бу йилларда илм олиш истагида бўлган болалар сони ҳам ўса бошлади.

1943 йилда 7 нафар муаллим 190 нафар, 1980 йилда 32 нафар ўқитувчи 513 нафар ўқувчиларга



сабоқ берди. 1975 йилда мактаб учун 420 ўринли, икки қаватли янги бино қурилиб, энди болалар аввалгидан шинамроқ хоналарда ўқишга киришдилар. 1980-1983 йилларда мактабда 19 та синф хонаси, 6 та куни узайтирилган гуруҳ қишлоқ фуқароларининг фарзандларини ўз бағрига олди.

Ўша даврларда Улуғбек номли 29-мактабга Орипов, Темурали Йўлдошев, Фуломжон Муродов, Валижон Имомов, Мирзавали Усмонов, Сидиқжон Каримов кабилар директорлик қилишди. Ўз умрини зиёкорликка бағишлаган бундай инсонларнинг номини яна давом эттириш мумкин. 1983 йилдан бу ўқув даргоҳида Файбуллажон Ахмедов, 1984 йилдан Хусанхон Иброҳимов, 1986 йилдан Турдихон Умарова, 1990 йилда Каримжон Бозоров, 1993 йилдан Муҳаммадали Абдуллаев, 1995 йилдан Набижон Ҳасанов, 2000-йилдан Ёқубжон Ҳакимов 2008 йилдан Абдурашид Ахмедовлар раҳбарлик вазифаларида фаолият кўрсатдилар. Ўз ҳаётини ёш авлодга билим беришни яхшилашга бағишлаган, Муҳаммадали Абдуллаев, Турсунхўжа Оппоқов, Муродхон Ҳомидов, Ёқубжон Сулаймонов, Иброҳимхон Умаров, Бузрукхон Обидов, Солижон Умаров, Тожибой Нурматов, Муҳаммад Иброҳимов, Турсунали Муродов, Ҳурматхон Меҳмононова, Исмонхон Сайимаматов, Саидамадхон Ҳасанов, Тўхтабой Холбоев, Кимёхон Каримова, Валихон Аҳмаджонов, Турсунбой Мусабоев, Мариyam Ғофурава сингари табаррук устозларнинг фидойиликлари она Ватан ишқида ёнаётган турли касб эгаларининг етишиб чиқишига сабаб бўлди.

Фақат мустақил замондагина халқ таълимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга жиддий аҳамият берилди. 2009 йили қишлоқдаги мактаб биноси



капитал таъмирланди. Ўқув лаборатория хоналари жиҳозланди, замонавий техника воситалари, янги мебеллар, спорт анжомлари билан таъминланди, турли фанларга оид кўплаб кўргазмали қуроллар тайёрланди. Таълим ва тарбиянинг яхши йўлга қўйилганлиги натижасида мактаб ўқувчилари туман, вилоят кўрик-танловларида муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Ҳозирги кунда мазкур билим масканида 46 нафар малакали педагог ходимлар 446 нафар ўқувчиларни истиқлол ғоялари, меҳнатсеварлик, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланмоқдалар.

Қишлоқ аҳолисининг соғлигини сақлаш, турли касалликларнинг олдини олишда амалга оширилган ислохотлар ўз самарасини берди. Хур замона зайли билан Шоён қишлоғида ҳам аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими ташкил қилинди.

Айни дамларда 29 нафар малакали тиббиёт ходимлари меҳнат қилаётган Шоёндаги врачлик пункти Қизилтепа, Какликқўрғон қишлоқлари аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Шу туфайли беморларни бошқа жойларга олиб бориб даволатиш, овора-ю сарсон бўлишларининг қисман олди олинди. Тиббиёт ходимлари уйма-уй юриб, аҳоли ўртасида касалликларга чалинмаслик тўғрисида тарғибот ишларини кучайтирмоқдалар.

Бу ишда қишлоқ врачлик пунктининг шифокорлари Қаюмжон Маражабов, Умрихон Орипова, Нигорахон Масаидова, Қурбонбой Раҳмонов, ҳамширалар Моҳира Орипова, Лола Бегматова, Қория Шаропова, Нургул Қосимова, Мамлакат Худёрова-лар астойдил фаолият кўрсатмоқдалар.



ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Хурлик, озодликдан нур эмиб гуллаб-яшнаётган Ўзбекистон қадриятлар бешигига айланди. Одамлар ўзини кимлигини, қайси улуғ аждодларнинг насл-насаби эканлиги теран англай бошлади. Президентимизнинг доно сиёсати туфайли халқимизга диний эркинликлар берилди.

Мозийга мурожаат қиладиган бўлсак, 1890-1910 йилларда шоёнликлардан иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган 7 нафар киши йўлини топиб ҳаж амалларини бажариб келишган.

Булар Мирзааҳмад ҳожи (авлоди Аҳмедов Файбулла домла), Ҳаққул ҳожи (авлоди Мусаев Ашурвой), Рафиқ ҳожи (авлоди Аҳмаджон Рафиқов), Ҳакимжон, Самсоқбой, Ғойибназар ҳожилар (уларнинг аждодларини аниқлаш имконияти бўлмади) эканлигини ҳозирги кунда ҳам кексалар гапириб юришади.

70 йил ҳукм сурган собиқ иттифоқ даврида ҳаж зиёратига боришни айтиш тугул, орзу ҳам қилиб бўлмаган. Бу эзгу мақсадларга мустақиллик йилларидагина эришилди. Ўтган 20 йил мобайнида 25 нафар шоёнлик отахон ва онахонлар Маккаи мукарама, Мадинаи мунавварага бориб, ҳаж ибодатини адо этиб келдилар. Бундай имкониятга эга бўдганларнинг номларини алоҳида зикр этмоқчимиз. Аҳмедов Ҳомиджон, Ғойипов Тошпўлат, Ғойипова Меҳринисо, Давлатов Валижон, Ҳасанов Сайидаматхон, Ҳасанова Мастурахон, Иброҳимов Муҳаммаджон, Кўзиев Салимбой, Кўзиева Фазилат, Каримов Маҳмуджон, Каримов Кўчқорвой, Каримова Уминисса, Ҳайдаров Рўзимали, Ҳайдарова Ҳосиятхон, Мусаев Абдуллажон, Мусаев Қамбарали, Умаров Олимжон, Орипов Зокирёхон, Иброҳимов Ҳабибуллахон, Ибрагимова



Хурматхон, Ибрагимов Сайидахматхон, Сиддиқов Сайидмуҳаммад, Авазов Ашурвой, Ибрагимов Алихон, Юнусалиев Қосимхон, Комилов Умаржон, Насридданов Раҳматхон хожи ота ва оналарнинг номларини айтиш мумкин.

Улар муҳтарам Юртбошимиз ва ҳукуратимиз томонидан Ислом динининг биринчи муборак фарзини беҳавотир, қийналмай бажариб келишларига катта шарт-шароитлар яратиб берилганлигидан доимо мамнун бўлиб гапиришади.

Инсоннинг фақат ўзи эмас, хотираси ҳам ҳамisha муқаддас ва азиздир. Шўролар давлат тепасида турган дамларда одамлар қабристонни тартибга солиш, бу ерга киришга қўрқардилар, дафн маросимларини ўтказиш мушкул эди.

Шоён қишлоғининг ғарбий томонидаги Хўжалар ва Бахсухлар авлодлари кўмилган (Мустақилликдан сўнг у Иброҳим ота номи билан атала бошлади) энг катта қабристон ободонлаштирилмаган, ўт-ўланлар босиб ётган, атрофи очик эди. Бу марҳумлар масканининг чорва молларидан асраш учун тўсиқлар ўрнатишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

1970 йилда шу қишлоқнинг ҳамиятли фаоли И.Раҳмонов хўжалик фирқа кўмитаси котиби А.Каримовга қабристонни пайҳон бўлишига йўл қўймаслик учун унинг атрофига айлантриб тут кўчати экиш зарурлиги тўғрисида маслаҳат берди. Бу фикр унга ҳам маъқул тушди. Негаки, ўша йилларда пилла хомашёси етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган, ипак қуртининг озуқа базаси-тутчиликни ривожлантириш давлат томонидан назоратга олинган эди.

Ўша йили экилган 1000 туп тут ниҳоллари ўсиб, кейинчалик бу азиз жойга мол-қолларнинг кириши-



дан ҳимоялаган бўлса, ҳозирги кунда улар қурт уруғи парваришида яхши озуқ бермоқда.

Юртимизда эркинлик шабадаси уфура бошлагандан сўнг бундай қадамжо, қабристонларни ободонлаштириш учун кенг йўл очилди. 1991 йил собиқ генерал Ф. Норхўжаев номли колхоз раиси Жўрахон Маҳмудов, қишлоқ оқсоқолларининг вакили Сайидмуҳаммадхон Сиддиқовлар бу ишга масъул кишиларни тайинлади. Хўжалик тракторлари билан қабристон ёнидан йўл чиқаришга кўмак берди. Бу ердаги тепаликлар текисланиб, сув йўллари тартибга солинди. Йўлга шағал ётқизилиб, равон қилишда қишлоқнинг барча ёш-у қариси иштирок этди. Тракторчилар Комилжон Кўзиев, Умаржон Комилов, Абдуқодир Милтиқов, Ботирали Назаров, Мирзаали Раҳмонов, Аббосхон Саримсоқов, Абдусаттор Нурматов ва бошқалар бу ишда намуна кўрсатиб ишлашди.

Ўша йили юқоридаги техника ихлосмандлари ҳамда Дам қишлоғининг узумчилик бригадири Абдуали деган кишининг кўмагида сим тўсиқ ва бетон тутқичлар (столба) олиб келиниб, қабристон ҳудуди тўсилди ва икки томонига дарвоза ўрнатилди.

Турли дарахт кўчатлари ўтқазилган бўлсада, уларнинг кўклаши, ривожланиши учун оқин сувнинг йўқлиги муаммо туғдирарди. Шўркент қишлоқ Кенгашининг раис муовини Ҳусанхон Иброҳимовнинг кўмагида 210 метр жойга полиэтилен қувурлар ётқизилиб, артезиан суви олиб келинди ва ниҳоллар барқ уриб ўса бошлади.

Марҳумлар мангуга бош қўйган бу жойни ободонлаштириш кейинги йилда ҳам давом эттирилди. Муҳаммаджон ҳожининг беминнат хизмати ва қурилиш усталари Қосимхон Юнусалиев, Муҳаммадали Турсунов, Шермуҳаммад Бегматовларнинг саъй-ҳа-



ракати билан зиёратга ва дафн маросимига келганларни ёғин-сочиндан пана қилиш мақсадида икки хонали бино қурилди. 1992 йилнинг ёзида шу қишлоқнинг фуқароси Баймоқ ҳудудидаги асфальт заводи директори Тоҳиржон Оппоқов кўмагида йўлсозлар узунасига 210 метр қабристоннинг ички ҳамда 100 метрли маҳаллага чиқиш йўлларига асфальт босиб беришди.

Виждон эркинлиги собиқ иттифоқ даврида фақат қоғоздагина бор эди, холос. Диёримиз осмонида хурлик кўеши балқий бошлагандан сўнг қонун ҳужжатларига муҳрланган бу ҳуқуқ ҳақиқатда амал қила бошлади. Одамлар ўзлари эътиқод кўйган динга сизгиндилар, кўплаб масжид ва мадрасалар қурилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бунёд этилган Шоён қишлоғидаги масжид 2009 йилга келиб кўримсиз, диндорлар ва давр талабига жавоб беролмай қолди. Бу пайтда қишлоқда аҳоли ҳамда ибодат қилувчиларнинг сони кўпайган эди. Замонавий, кўркам, турли нақшлар билан чиройли безатилган, ибодат қилувчиларга қулай имкониятлар яратилган масжид биноси қуришга эҳтиёж пайдо бўлганди.

Шу йилнинг август ойида ана шу мақсадда ер қозиш ишлари олиб борилди. Бунёдкорлик жараёни масжиднинг имоми Қосимжон хожи ўғиллари Омонхон раҳбарлигида, тажрибали қурувчи, аҳоли ўртасида катта обрўга эга бўлган сўзамол Кўчқорбой хожи иш бошқарувчилигида амалга оширилди. Аҳоли кўтаринкилик билан ҳашарга чиқди. Тош, шағал ташишда Б. Йўлдошев, А. Раҳмонов, У. Рустамов, Ф. Аҳмедов, Н. Рафиқов, Ҳ. Ражабов, Э. Ҳасанов, У. Қосимовлар фидокорлик намунасини кўрсатдилар. Шу ойнинг охирига келиб, масжид биносига тамал тоши кўйилди.



Келгуси йилнинг июнь ойидан гишт териш ишлари жадаллик билан бошланди. Бунда шоёнлик Шерзод Эргашев, унинг укаси Фарҳод, шогирдлари З. Эргашев, А. Сулаймонов, Ҳ. Ҳайитов кабилар алоҳида ўрнак кўрсатдилар. 2011 йил эса бино устига тўсин териш, шифер қоқиш ишлари бажарилди. Бунёдкорлик ишлари бошлангандан то ниҳояси етгунча қадар барча шоён халқи аҳолиси маблағ билан таъминлаб, ҳиммат кўрсатганликларини таъкидлаш лозим.

Бу эзгу ҳаракатни ўз маблағлари, хизматлари билан қўллаб-қувватлаган саҳоватли, ҳимматли барча инсонларнинг номини қайд этиш имконияти йўқ.

ТАБИЙ ГАЗ-ЖОННИНГ РОҲАТИ

1991-1992 йилларда қишлоқни табиий газ билан таъминлаш муаммоси кўндаланг бўлиб турарди. Аввал лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, тасдиқлатилди. Бу масъулятли вазифани адо этиш собиқ генерал Ф. Норхўжаев номли колхоз раисининг муовини Сидиқжон Каримов зиммасига юклатилди. Тинимсиз изланишлар, елиб-югуришлар, одамларни бошини бир жойга қовуштира олинганлиги ўзининг ижобий самарасини берди. 1993 йилда Шоён, Қизилтепа қишлоқлари хонадонларида «Зангори олов» ёнди.

Беш йилдан сўнг эса истеъмолчилар сонининг кўпайганлиги, тармоққа бошқа қишлоқлар аҳолисининг уланиб олиши натижасида газ босими пасайиб кетди. 2009 йилнинг куз ойларида қишлоқ фуқаролари ўзоро маслаҳатлашиб, нафақада бўлишига қарамай кўпчиликнинг манфаатини ўйлайдиган, тиниб-тинчимас, ҳаммага сўзини ўтказа оладиган Содиқжон Каримовни яна бу масалани ҳал этишга вакил қилиб сайладилар.



У киши юқори ташкилотларга мурожаат билан чикди. Қишлоқ аҳлининг орзуси ушаладиган бўлди. Наманган вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Б. Юсупов, «Намангангаз» бошқармасининг бошлиғи А. Ақромов, Чуст туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Х. Бозаров, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини Ш. Мадалиевларнинг ёрдамлари туфайли 2010 йилнинг июнь ойида Чустнон-Шоён янги газ тармоғини тортиш бошланди.

Бундан руҳланган Шоён қишлоғи фуқаролари ялпи сафарбарлик билан ҳашарда қатнашдилар. Қишлоқнинг куч-қуввати бор, қўлидан иш келадиган ҳар бир фуқароси пайвандчиларга ёрдам кўрсатишга, газ қувурларини жой-жойига қўйишга жалб этилди.

Иш бошида С. Каримов, Ғ. Абдуалиев каби эл манфаати учун қайғурадиган инсонлар турардилар. Ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказиш, иш жараёнини тезлаштириш мақсадида М. Абдуллаев, А. Далабаев, К. Раҳмонов, Н. Саймаматов, Т. Мусабоев Х. Файзуллаев, А. Атажонов, А. Раҳмонов, Х. Милтиқов, У. Комилов каби фаоллар маҳалла аҳлига етакчилик қилдилар. Ҳар куни 40-50 нафар қишлоқ фуқароси ўз техникаси билан табиий газ тармоғини тортишда меҳнат қилаётганларга ўз кўмақларини аямадилар.

«Чусттумангаз» корхонасининг муҳандиси Мўйдинжон Арсланов бошчилигидаги Аҳаджон Усмонов, Анвар Ҳолиқов, Нуриддин Омонов, Нозимжон Маъмиров сингари пайвандчиларнинг самарали фаолиятлари натижасида 2010 йилнинг 31 декабрь куни пайвандлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, Шоён қишлоғида табиий газ порлади.

Қишлоқда бундай эзгу, хайрли тadbирдар кўплаб амалга оширилган.



Шоён қишлоғи қарияларини 1975 йилда Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига зиёрати.



Шоён қишлоғидаги 1750 йилда қурилган жомеъ масжиди.

Сурат 1963 йилда ўқитувчи Ёқубжон Сулаймонов олган.



Шоён қишлоғидаги гор.



Форнинг ички қуриниши.



Шоён қишлоғидаги булоқлардан намуна.



Резаксой кўриниши.



Улугбек номли 29-ўрта таълим мактаби.



Шоён қишлоғидаги қишлоқ врачлик пункти.



АЖДОДЛАР-АВЛОДЛАР ЁДИДА

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Шоён қишлоғида ҳам эл бахт-саодати учун курашган, ободончилик, илм-маърифат, унинг равнақи йўлида хизмат қилиб, одамларнинг қалбидан чуқур жой олган, ҳурмат билан эсланадиган инсонлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ёшларни она Ватанга, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда қўл келмоқда.



ДЕҲҚОНБОЙ ҲАКИМОВ
(1889-1975)

У 1889 йилда Шоён қишлоғида ўрта ҳол деҳқон оиласида туғилган. Меҳнатсевар, тиниб-тинчимас, суяги дала ишларида қотган, одамшинаванда инсон бўлган.

Қишлоқда коллектив хўжаликни равнақ топтиришда фаоллик кўрсатган. У 1930-1931 йилларда Шоёндаги энг биринчи хўжалик «Қизил тўп» колхозига раислик қилган. 1928 йилда меҳнат фаолиятини бошлаган Деҳқонбой ота янги ерлар ўзлаштириш, боғроғлар барпо этишда жонбозлик кўрсатган.



Ҳозирги кунда унинг фарзанд ва набиралари жамиятнинг турли жабҳларида ота, боболари каби ҳалол ва сидқидилдан ишламоқдалар.



ОРИФЖОН ХУДОЁРОВ
(1902-1985)

1902 йилда таваллуд топган. Бутун умрини деҳқончиликка бағишлаган инсон. У 1931 йилда Шоён қишлоғидаги собиқ Молотов номли колхозда раислик қилган. Омоч билан ер ҳайдатиб, хўжаликни иқтисодини яхшилаш учун ғайрат билан меҳнат қилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида қўлидан иш келадиган эркакларнинг ҳаммаси жанггоҳларга кетганлиги, техниканинг йўқлиги, колхозда ишчи кучининг етишмаслиги, оғир меҳнат аёллар ва қариялар зиммасига тушганлигига қарамай уларни унумли ишлашга руҳлантира олган. Бор куч-ғайратини кўплаб дон, пахта ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга қаратган. уни янги ерлар очиш, сув йўллари барпо этиш асосий мақсади бўлган. 12 йил шу хўжаликни бошқарган.

Шоёнлик у кишига эҳтиром кўрсатиб, «Раис ота» деб мурожаат қилишган.



**ИБРОҲИМЖОН
РАҲМОНОВ
(1900-1996)**

1900 йилда туғилган, қимматчилик йилларидаги қийинчиликларни бошидан кечирган, 16 ёшида ота-онасидан ажраб, 4 нафар укалари тарбияси билан шуғулланган. И. Раҳимов ҳаётда ўз ўрнини топган. Колхоз тузуми даврида ғаллачилик бригадасига етакчилик қилган.

Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган кезларда бундай ва бошқа тоифадаги раҳбарлар, мутахассислар фронт ортини мустаҳкамлаш учун мамлакат ичкарасида қолдирилган. И. Раҳмонов ҳам жанггоҳларга боришдан озод этилиб, ўзи бошчилик қилаётган жамоани мўл ҳосил олишга илҳомлантирган.

1943 йилда Молотов номли колхоз ғалла етиштиришда юқори натижага эришиб, Ўзбекистоннинг собиқ раҳбари Усмон Юсуповнинг табрик хатини олишга эришган.

У урушдан кейинги йилларда хўжаликда пиллачиликни ривожлантириш, боғ ва тутзорлар барпо этишга бош-қош бўлди.



АЛИХОН КАРИМОВ

(1930-1976)

Ёш, билимдон, сергайрат инсон А. Каримов 1971 йили «Чуст» колхозига раис этиб сайланган. У раҳбарликнинг дастлабки йилларидаёқ шиддат билан иш бошлаган. Қишлоқни ободонлаштириш, пахтачилик ҳамда чорвачиликни равнақ топдиришга алоҳида аҳамият берган.

Ўтган йиллар давомида у қишлоқни ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий уйлар, шинам кўчалар барпо этиш, мактаб, корхона, техника гаражи бинолари қуриш, тутзорлар ташкил қилиш каби кўплаб ишларни амалга оширилган.

У беш йиллик раислик фаолияти давомида Шоённи ободонлаштириш йўлидаги хизматлари учун халқнинг қалбида ўчмас из қолдирган. Тошкент Давлат Университетини имтиёзли диплом билан битирган А. Каримов ниҳоятда сўзамол, муомила маданиятига эришган инсон эди. У келажакда қишлоқни шахмат усулида қайта қуриб, шинам, кўркам шаҳарчага айлантираамиз, деган ният қиларди. Аммо, сергайрат, ташкилотчи раҳбар 47 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Шоён қишлоғи аҳли бу олийжаноб инсоннинг номини ҳамиша эҳтиром билан эслашади.



БОЗОРБОЙ ҚОСИМОВ
(1925-1997)

У 1925 йилда Шоён қишлоғида туғилган. 1956-1960 йилларда Самарқанд билим юртининг зоотехника факультетини тугатган. Узоқ йиллар Норхўжаев номли колхозда чорвачилик соҳасига етакчилик қилган. Уруш қатнашчиси.

Унинг бевосита ташаббуси, астойдил ҳаракати туфайли хўжаликда чорвачилик сердаромад соҳага айланган. Чорва молларининг бош сони кўпайиб, зоти яхшиланган.

У ўз касбини пухта билган, тажрибали мутахассис бўлганлиги сабабли на фақат хўжалик, балки, аҳолининг чорва ҳайвонларига ҳам ёрдами теккан, маслаҳатларини сира аямаган.



МИРЗАВАЛИ УСМОНОВ
(1937-2005)

М. Усмонов халқ таълимининг жон куярларидан бири эди. У 1974-1975 йилларда Шоён қишлоғида 2 қаватли, 420 ўринли янги замонавий мактаб биноси қурилишида ва уни фойдаланишга топшириш-

да бор раҳбарлик тажрибасини ишга солган. Меҳнат фаолияти давомида 29-ўрта мактабда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлиб, ўқув даргоҳининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эришган.

У таълим-тарбияни янада яхшилаш билан бирга синфдан ташқари тадбирларга алоҳида эътибор қаратган. Мактабда қуёнчилик хўжалиги ташкил этиш баробарида «агробиология» участкасида кўплаб гуллар ўстириб, бошқа ўқув масканларига тарқатилишини таъминлаган.

Ўқувчилар ўртасида спорт, «светафор» мусобақалари уюштириб, яхши натижаларни қўлга киритишига сабачи бўлган. Бугунги кунда М. Усмоновнинг шогирдлари устозлари изидан бориб, ёшларга пухта таълим-тарбия бермоқдалар.



БАҲОДИР РУСТАМОВ
(1911-1992)

Б. Рустамовнинг умр йўли ёшларни ватанпарварлик руҳида камолга етказишда муҳим аҳамиятга эгадир. У фашизмга қарши қақшатқич жангларда исми жисмига монанд эканлигини кўрсатди.

У 41-дивизиянинг 102-ўқчи полкида хизмат қилиб, Варшава ва бошқа кўплаб

шаҳарларни озод этишда иштирок қилган. Германиянинг Штарков шаҳри учун бўлган шиддатли жангларда немис аскарларидан 3 нафарини тириклайин қўлга олган. Урушда кўрсатган бу ва бошқа жасоратлари учун у кўплаб жанговор орден ҳамда медалларга сазовар бўлди.

Б. Рустамов 1946 йили урушдан қайтгач, Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда қатнашди. У халқ хурматига сазовор ибратли оила бошлиғи эди, 5 нафар фарзандини меҳнатсевар қилиб тарбиялаган. Ҳозир ўғиллари Собитбой Рустамов фермер, Қўчқорвой маҳалла фуқаролар йиғини котиби, қолганлари қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқдалар.



**АБДУЛҚОСИМ
РАҲМОНОВ
(1916-1998)**

У Финдляндия урушида ва гитлерчи фашистларга қарши аёвсиз жангларда 7 йил иштирок этиб, унинг даҳшатларини бошидан кечирган. А. Раҳмонов Россиянинг бир қатор шаҳарлари, Украина, Бессарабия, Польша, Чехословакияни немис босқинчиларидан тозалашда ботир ва довюраклигини кўрсатган.

1946 йилнинг охирида урушдан кўкси қўша-қўша орден ҳамда медалларга тўлиб, она қишлоғига қайтган. Бир муддат жамоа хўжалигида аъзо бўлиб ишлайди. 1965 йилда то нафақага чиққунча Шоёнда алоқа бўлимида хабарчилик қилган. У газета-журнал, хат-хабарларни эгаларига вақтида етказиб беришга уриниб, кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлган. 9 нафар фарзандини тарбиялаб илмли қилган.



ҒУЛОМЖОН МУРОДОВ
(1909-1994)

Ўз умрини ёшлар тарбиясига бахш этган Ғ. Муродов 1909 йилда Шофиркон туманидаги Дурмен қишлоғида таваллуд топган. 1930 йили Бухоро шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлагач, ҳукумат топшириғи билан Чуст туманига ишга юборилган. Меҳнат фаолиятини шаҳардаги мактабда болаларга таълим-тарбия беришдан бошлаган.

Кейинчалик Варзик, Саримсоқтепа қишлоқларидаги билим масканларида муаллим бўлиб фаолият кўрсатган. Иккинчи жаҳон урушидан қайтгач, Баймоқ қишлоғидаги 14, 1951 йилдан Шоён қишлоғидаги 29-мактабларда директорлик қилган. У



Шоёндаги 7 йиллик мактабни 8 йиллик ва ўрта мактабга айлантиришга катта ҳисса қўшган.

Ғ. Муродов касбига садоқатли эди, унинг кўплаб шогирдлари бор, қалби тоза, очиқ чеҳра бу педагогнинг хотирасини ҳамма ҳурмат билан ёдга олади.



**ҚОСИМХОН ҲОЖИ
ЮНУСАЛИЕВ
(1949-2004)**

Бу инсон одамларни, айниқса ёшларни поклик, диёнатга, замонанинг қадрига етишга чорлаганди. 70 йилдан буён эшиги очилмай ётган «Булоқли масжид» биносини ҳашар йўли билан янги жойга кўчириб, жомеъ масжиди ташкил этишга бош-қош бўлганди. Бу маскан 1993 йилда Ўзбекистон Адлия вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлар идораси диний кўмитаси рухсати билан вужудга келган.

Бу ерда Шоён, Қизилтепа, Какликқўрғон, Чустнон қишлоқларининг фуқаролари жума, ҳайит намозларини ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Қ. Юнусалиев ҳаж ибодати амалларини бажариб, 2004 йилда вафот этди.





РЎЗИМАЛИ ҲАЙДАРОВ
(1936-2006)

Уни бутун Наманган вилоя-
тида етук мутахассис сифатида
яхши танишарди. У Тошкент
қишлоқ хўжалик институтни
битиргач, 1964 йилдан Учқўр-
ғон туманидаги «Учқўрғон»
колхозида бўлим бошлиғи, бош
агроном вазифаларида ишла-
ди. 1974 йилдан вилоят қишлоқ хўжалик бошқарма-
сида бўлим етакчиси, 1976 йилдан Чуст туманининг
ҳозирги Баймоқ қишлоғидаги давлат хўжалиғи ди-
ректор, 1979 йилдан вилоят ўсимликларни ҳимоя
қилиш бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилди.

Р. Ҳайдаров 1981 йилдан Сурия давлатида етук
мутахассис, 1983 йилдан то 1987 йилларгача аввал
вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бўлим, вилоят
агросаноат бирлашмасининг бошлиғи сифатида фа-
олият юритди.

У узоқ йиллик самарали меҳнати, пахтачиликни
ривожлантиришдаги хизматлари учун турли медал-
лар билан тақдирланган. 1992 йили эса Ўзбекистон
Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиғи му-
носабати билан кўкрак нишонига сазовар бўлган.



**ШЕРМУҲАММАД
БЕГМАТОВ
(1942 -1997)**

Уни қишлоқда «Полвон» деб аташарди. Чунки, унинг бўй-басти, хатти-ҳаракати бу таърифга жуда мос. У дурадгорлик касбини танлаб кам бўлмади. Намангандаги ёғоч ўймакорлиги мактабини тугатиб, қишлоқдаги қурилиш бригадасида меҳнат қилди, ўз устида ишлаганлиги туфайли моҳир уста бўлиб етишди. Аҳолига жуда кўп иморатлар қуриб бериб, қишлоқнинг ободончилигига муносиб улуш қўшди.

У ҳунарни ўзи билан олиб кетмади, кўплаб шогирдлар етиштирди. Ҳалимжон Ҳайитов, Солижон Шаропов, Носирхон Аҳмаджонов, Аҳаджон Ҳамдамовлар истеъдодли устознинг қўлида бунёдкорлик сирларини ўрганишган эди. Ҳозир улар устозлари ишини давом эттириб, элнинг иззат-ҳурматиغا сазовор бўлмоқдалар.

Шермуҳаммад устанинг ўғиллари Абдурашид, Холматжон, Абдухалил, Ҳасанбой Бегматовлар ота касбини улуғлаб, халққа астойдил хизмат қилмоқдалар.





**ЙЎЛДОШАЛИ
РАҲМОНОВ
(1949-2011)**

Й. Раҳмонов Андижон кооператив техникумида ўқиб, Чуст шаҳридаги савдо ташкилотида товаршунослик қилганди. У 1991 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг иқтисод ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш факультетини муваффақиятли тамомлаб, ўз соҳасида меҳнат қилди.

Ишчан мутахассис генерал Ф. Норхўжаев номли хўжаликда аввал иқтисодчи, сўнг ҳисобчилик қилди. Унинг қишлоқни ободонлаштиришда ўзига хос ҳиссаси бор.

«Дамобод» хўжалигида бош ҳисобчи, иқтисодчи вазибаларида ишлаган йилларида хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақамлашга ҳаракат қилди, ичимлик суви келтиришда ташаббускорлик кўрсатди.

У вилоят «Давр» масъулияти чекланган жамиятида ревизор-ҳисобчилик ишларини амалга оширди. Й. Раҳмоновнинг Шоённи ободонлаштириш борасидаги хизматларини қишлоқ аҳли ҳамиша эслайди, унинг номини ҳурмат билан тилга олади.



ҚИШЛОҚНИНГ ФИДОЙИ ИНСОНЛАРИ



**САИДМУҲАММАДХОН
ҲОЖИ СИДДИҚОВ
(1928)**

Уруш орти машаққатларини ўз кўзи билан кўрган С. Сиддиқов ўша оғир оловли йилларда мактабда ўқиш билан бирга ёш бўлишига қарамай 2 та бригадага ҳисобчилик қилди. 1948 йил Наманган шаҳридаги ҳисобчилар тайёрлаш мактабини

тамомлаб, Шоён қишлоғидаги хўжаликда котиб, ҳисобчи бўлиб ишлади.

1955 йили армия сафидан қайтгач, яна ўз касбини давом эттирди. У 1961 йилдан Шўркент қишлоқ Кенгашига раислик қилди. 1963 йилдан генерал Ф. Норхўжаев номли колхозда тафтиш комиссиясининг раиси, 1980 йилдан шу хўжаликда касаба уюшмаси раиси вазифаларида чин кўнгилдан меҳнат қилди.

У касаба уюшмасига раҳбарлик қилган кезларда аҳолининг турмуш маданиятини яхшилаш, ишдан сўнг кўнгилли дам олишларини таъминлашга эътибор берди. Хўжалик аъзоларининг турли тарихий жойларга саёҳатларини уюштирди, меҳнат намуна кўрсатганларни рағбатлантириш масаласига алоҳида аҳамият берди.



Мустақиллик шарофати туфайли кўпчилик ҳамқ-ишлоқлари қаторида Ҳаж зиёратига борди. Ҳозир бугунги замонга беҳад шукроналар айтиб, фарзанд-лари даврасида ҳаёт кечирмоқда.



**АБДУРАҲИМЖОН
РАҲМОНОВИЧ
ҲАКИМОВ
(1956)**

А. Ҳақимов 1983 йили Ни-зомий номидаги Тошкент дав-лат педагогика университети-ни имтиёзли диплом билан та-момлаб, Ўзбекистон фанлар академиясининг тарих инсти-тутида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. У олийгоҳда ишлаш билан бир қаторда номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб борди.

У 1993 йилда «Ўзбекистон саноатида ишчи ёшлар» мавзусидаги илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, тарих фанлари номзоди илмий даражага эга бўлди.

1996 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплексида етакчи ва бош мутахассис, 2002 йилдан Алишер Навоий но-мидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида кутуб-хона ишлари бўйича директор ўринбосари лавозим-ларида меҳнат қилди.

А. Ҳақимов 2012 йилдан бошлаб Республика



Маданият ва спорт ишлари вазирлигида бош мутахассис сифатида фаолият юритяпти. У 15 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир. Бу фидойи инсон Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги шарфига эсдалик нишони билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда у докторлик илмий иши устида изланишлар олиб бормоқда.

ФОТИМА ИБРОҲИМОВА

(1970)



У Шоён қишлоғида туғилган, шу ердаги ўрта мактабда билим олган. 1987 йили ҳозирги Наманган давлат университетининг педагогика ва психология факультетида ўқиб, ўзи билим олган мактабга-устозлари даврасига қайтган ва муаллималик қилган.

Ф. Иброҳимова 2004 йилдан Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 153-ўрта мактабда сеvimли касбида фаолият юритишни давом эттирган. Жамоада ва ота-оналар ўртасида меҳнатсеварлиги, ўз устида ишлаши билан ҳурмат қозонган. Таълим-тарбия жараёнида Мустақиллик ғояларини ўқувчилар онгига сингдириб, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини янада чуқур шакллантиришга ҳисса қўшган. Мактабининг бошланғич синфида «Сухандон» тўгараги ташкил этиб, ўқувчиларни ўз фикрларини аниқ, мантиқли ифодалаши, уларда мустақил ижо-



дий кўникмаларни вужудга келтириш, ёзма нутқни ривожлантириш қобилиятлирини ўстиришга ҳаракат қилган ва бу борада муваффақиятга эришган. Билим масканида ижод бирлашма раҳбари сифатида ҳам фаолият кўрсатган.

1-тоифали, тажрибали педагог Ф. Иброҳимова 2012 йилдан Фарғона шаҳридаги 28- ўрта мактабда ишлаб келмоқда. Турмуш ўртоғи Ўзбекистон қуролли кучлари подполковниги. 3 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқдалар.



ОЛИМЖОН УМАРОВ
(1930)

У одамларни унумли меҳнат қилишга руҳлантира олган, ер билан тиллашган омилкор деҳқон. Кўп йиллик бригадирлик фаолияти давомида пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш, янги ерлар ўзлаштиришда ўзининг бор тажриба ва маҳоратини ишга солган.

Ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан пахта етказиб, аъзоларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга ҳаракат қилган. О. Умаров 1963 йилдан 1983 йилгача бўлган бригадирлик вазифаси бажариш жараёнида доимо белгиланган режаларни ортиғи билан адо этиб, собиқ иттифоқнинг турли даражадаги орден ва медаллари билан тақдирланган.

Ҳожи ота бугунги кунда фарзандлари, набиралари қуршовида пир-у бадавлат бўлиб умр ўтказмоқда.



СИДИҚЖОН КАРИМОВ

(1940)

Тиниб-тинчимас, ҳар бир жамоатчилик топшириғига масъулият билан ёндошиб, эл-ниг чексиз ҳурматини қозонган бу инсон ҳақида шоёнликлар мамнуният билан гапиришади. У меҳнат фаолиятини колхозда котибликдан бошлаган.

Ҳаётда ўзи танлаган йўлга садоқат билан тиришган С. Каримов 1976 йили Наманган давлат педагогика институтини тугатади. Аввал 29-ўрта мактабда ўқитувчи, 1980-1983 йилларда эса шу ўқув даргоҳида директор бўлиб ишлади.

У мактабга раҳбарлик қилган дамларида 513 нафар ўқувчига 32 нафар педагог-ўқитувчилар сабоқ берарди. Таълим-тарбиянинг самаралиги ва сифатини яхшилаш учун жон куйдирди. Ташкилотчилик қобилиятини намоён этиб, кўпчиликнинг оғзига тушган бу инсон, 1985 йилдан генерал Ф.Норхўжаев номли колхоз раисининг маданий-оқартув ишлари бўйича раис муовини вазифасини адо этди. Унинг қишлоқни ободонлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракати ана шу даврларда кўзга яққол ташланди.

С. Каримовнинг Шоёнга табиий газ олиб келишдаги хизматларига юқорида тўхтаб ўтилган. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролари ўртасида катта обрў, мавқега эга бўлган бу киши ҳозирги кунда ҳам турли тадбирларда эл билан ҳамнафас бўлиб яшамоқда.



АКБАРАЛИ АХМЕДОВ

(1956)

А. Ахмедов 1979 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономлар тайёрлаш бўлимини тугатган. Шу йили Янгиқўрғонда, 1981 йилдан Чуст пахта тозалаш заводида ҳосилни навларга ажратувчи мутахассис бўлиб иш юритган. 1983 йилдан 1995 йилгача эса генерал Ф. Норхўжаев номли колхозда бош агроном, ер тузувчи, касаба уюшмаси раиси, хўжалик раиси каби вазифаларни сидқидилдан бажарган.

У хўжаликка раислик қилган даврда пахта ҳосилдорлигини кўтариш, чорвачиликни ривожлантириш баробарида аҳолининг турмуш тарзини яхшилашда фидойилик кўрсатди. Бу инсон қишлоққа табиий газ келтириш, ички маҳалла йўлларини асфальт қилиш, текис ва равон йўллар барпо этиш, аҳолига иморат қуриш учун ер участкалари беришни доимо диққат марказида тутди.

Унинг хўжаликка раҳбарлиги истиқлол йилларига тўғри келди. У ислоҳотларнинг илк меваси-фермерлик ҳаракатида ўз ўрнига эга. Дастлабки дамларда колхоз ҳудудида 3 та боғдорчилик фермер хўжалиги ташкил этилишига алоҳида эътибор берган.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ



**ШУКУРЖОН
ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ
МАДАЛИЕВ
(1958)**

У 1958 йилда Чуст туманидаги Шоён қишлоғида таваллуд топган. Собиқ Иттифоқ қуроллари кучлари сафидан қайтгач, 1981 йилдан туман ИИБ да навбатчилик қисми милиционери бўлиб ишлади. 1989 йили Олий милиция академиясида таҳсил олгач, туман ИИБ профилактика бўлинмасининг участка инспектори, 1990 йилдан вояга етмаганлар иши бўйича инспекцияси бошлиғи вазифаларида ўз бурчини астойдил ўтади.

Ш. Мадалиев 1991 йилдан Чусттуман ИИБ ИЖКК гуруҳи тезкор вакили, туман ИИБ нинг тергов бўлинмаси терговчиси, 1993 йилдан ЖКБТ тезкор вакили, 1997-2000 йилларда бўлинма бошлиғи вазифасини бажарувчи, бошлиқ лавозимларида хизмат этди. Мингбулоқ туманида ҳам шу соҳага раҳбар этиб тайинланди.

2003-2009 йилларда Поп, Норин туман ички ишлар бўлимлари бошлиғининг 1-ўринбосари, бош-

лиқ вазифаларида хизмат қилиб ўз касбига нақадар қобилиятли эканлигини кўрсатди. У 2008-2010 йиллар мобайнида вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлади. Ш. Мадалиев 2011 йилдан буён нафақада.

У эл осойишталигини таъминлаш билан бир қаторда она қишлоғи Шоённинг ободончилигига ўз ҳиссасини қўшмоқда.



**МАТЛУБА АХМЕДОВНА
АМИНЖОНОВА**
(1969)

У 1968 йилда хизматчи оиласида дунёга келган. 1987 йили Шоёндаги 29-ўрта мактабни битириб, 1989 йилда Тошкент Давлат юридик техникумида таҳсил олишни ниҳоясига етказгач, билимини мустақамлашга чоғланди. 1996 йили Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаб, иш фаолиятини давом эттирди.

М. А. Аминжонова 1989 йилдан то 1996 йилгача Баймоқ қишлоғидаги хўжаликда, Чуст шаҳридаги тикув-трик, отаж фабрикасида юрист-консультант вазифасини бажарди.

1996 йили у Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакаси-



ни ошириш марказида инспектр, шу марказнинг қонунчилиқни тадқиқ этиш бўлимида илмий ходим, кафедра катта ўқитувчиси вазифаларида фаолият юритди. 2008-2011 йилларда судларда прокурор ва-колатини таъминлаш кафедраси бошлиғи бўлиб хизмат этди.

Адлия маслаҳатчиси М. А. Аминжонова 2004 йил-да «Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари» мавзусидги илмий ишни ҳимоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг қарори билан юридик фанлар номзоди унвонига сазовор бўлди.

Унинг 100 дан ортиқ мақолалари оммавий ахбо-рот воситаларида чоп этилди, бир неча қўлланмала-ри нашр қилинди. «Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари», «Суғурта шартномаси, тармоқлар-нинг мажбурияти ва жавобгарлиги» мавзусидаги монографиялари, «Фермер хўжалиги ташкил этиш-га оид қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш», «Шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигини келиб чиқиш асослари», «Суғурта шартномасида мажбуриятлар-ни таъминлаш», ҳаммуаллифликда ёзилган «Фуқа-ролик ҳуқуқлари» китоблари ана шулар жумласи-дандир. Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 20 йиллиги муносабати билан «Шухрат» ордени билан тақдирланди.





ҚЛҮМЖОН РАҲМОНОВ
(1954)

Қ. Раҳмонов 1972 йилда Шоён қишлоғидаги 29-ўрта мактабни битириб, собиқ иттифоқ армияси ҳарбий денгиз флоти қўшинлари сафида хизмат қилди. У 1976 йили Олий милиция академиясига ўқишга кириб, уни 1980 йилда татомлади. Ўша йил Москвада ўтказилган бутунжаҳон 80-олимпиадасида жамоат тартибини сақлашда қатнашди.

1980 йилдан Чуст туман ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлинмасида инспектор, 1986 йилдан катта инспектор, 1987 йилдан Поп туман ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият юритди.

Қ. Раҳмонов 1991 йилдан Поп туманидаги 101, 1994 йилдан Чуст туманидаги қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош Косонсой божхона постларида раҳбарлик қилди.

У иш жараёнида ўзининг камтарлиги, касбига садоқати, осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашишда бор иқтидори ва қобилиятини кўрсатди. Милиция подполковниги бир неча бор Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. 1999 йилдан нафақага чиқиб, набиралари тарбияси билан астойдил шуғулланмоқда.



**МУҲАММАДАЛИ
УБАЙДУЛЛАЕВИЧ
КУЧҚОРОВ**
(1961)

У ўзининг бутун ҳаётини она Ватан тинчлиги, мустақилликни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишлади. Қишлоқдаги ўрта мактабни тугаллаб, ҳарбий хизматни ўтагач, мақсади йўлида дадил қалам ташлади.

1987 йили ҳозирги Фарғона Давлат университетида билим олишни ниҳоясига етказгач, Чуст шаҳридаги 6-ўрта мактабда бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиси бўлиб ишлади.

У 1993 йилдан Ўзбекистон қуроли кучлар сафида зобит, ҳарбий қисм штаб бошлиғи, 1999 йилдан Уйчи, 2005 йилдан то 2007 йилгача Поп туман мудофаа ишлари бўлимлари бошлиғи вазифаларида меҳнат қилиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлди.

М. Кўчқоров Ўзбекистон мудофаа вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, юбилей медаллари, қуроли кучларнинг 15 йиллиги муносабати билан эсдалик нишонлари билан мукофотланган.

Унинг катта ўғли капитан Икромали Кўчқоров ота касбини давом эттирмоқда. Истеъфодаги подполковник 2007 йилдан буён нафақада. У қишлоқдаги турли жамоатчилик ҳамда ободонлаштириш ишларида фаол қатнашиб келади.



**ЭРГАШАЛИ АШУРОВИЧ
АВАЗОВ
(1962)**

Подполковник Э. Авазов қаерда фаолият кўрсатмасин, касбига меҳри баландлигини намоён этди ва шу орқали обрў-эътибор топди. Болалиги Шоён кўчаларида чопқилаб ўтган бу инсон мактабда ўрта маълумот олгач, 1979 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг бухгалтерия бўлимида таҳсил кўрди.

У ўқишни тугатгач, ҳарбий хизматда бўлди, қайтгач, меҳнат фаолиятини бошлади. 1985 йилда собиқ генерал Ф. Норхўжаев номли колхозда ҳисобчилик қилди. 1993 йилдан касби бўйича ўзининг хоҳиши ва иштиёқи билан қуролли кучлар сафида хизматни давом эттирди.

Э. Авазов 19 йил давомида турли ҳарбий қисмларда иқтисод, бухгалтерия бўлимлари бошлиғи вазифаларида хизмат қилди. 2001 йилдан шарқий ҳарбий округда молиявий, 2004 йилдан Фарғона вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг иқтисодий ва социал таъминот бўлимлари бошлиғи вазифаларини бажарди.

У самарали меҳнатлари учун Ўзбекистон қуролли кучларининг 10,15,20, йиллиги медаллари ҳамда

округ қўмондонлигининг бир неча марта фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Уч нафар фарзанди бор, катта ўғли Баҳромжон ҳарбий зобит.



СОБИРЖОН КАРИМОВ

(1969)

У ўрта мактабда ўқиётган кезларидаёқ ҳарбий бўлишни кўнглига тугиб қўйганди. С. Каримов ниятига етиш йўлида ҳозирги Фарғона давлат университетининг бошланғич ҳарбий тайёргарлик таълими ва жисмоний тарбия факультетига ўқишга кириб, бу борада ўз билим, салоҳиятини оширди.

Меҳнат фаолиятини дастлаб ўзи ўқиган Шоён қишлоғидаги 23-ўрта мактабда ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб ишлашдан бошлади. С. Каримов 1997 йилдан Жиззах вилоятида, 2002 йилдан Тошкент, 2010 йилдан Фарғона шаҳарларидаги ҳарбий қисмларда командир ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди.

У 2011 йилдан буён Қарши шаҳридаги ҳарбий қисмда командир ўринбосари вазифасида ишламоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон қуролли кучларининг подполковниги Собиржон Каримов ўзининг хизмат бурчини шараф билан адо этиб келмоқда.

ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ

Мустақиллик халқнинг қалбидаги асрлар давомида ушалмаган орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Уларни вужудида беркиниб ётган тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқарди. Мамлакатимизда фермерчилик ҳаракати авжи олди.

2003 йили Шоён қишлоғидаги собиқ колхоз тузум тугатилиб, ерлар фермерлар ихтиёрига ўтказилди. Кўкрагига истиқлол шабадаси теккан деҳқонларнинг меҳнатга муносабати ўзгарди, экин майдонларининг ҳақиқий эгасига айланиб, уни ўз мулкидек қадрлай бошлади, ишлашга иштиёқлари ортди.

Деҳқон «юқорининг топшириғи» билан эмас, балки, ўзи мустақил иш юритадиган бўлди. 2004 йилга келиб, қишлоқда пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқларни ўз ичига олган 70 та фермер хўжаликлари вужудга келди. 2008 йил якунида эса улар йириклаштирилиб, бундай хўжаликларнинг экин майдони камида 50 гектар қилиб белгиланди. Ҳар бир фермер етакчисига ерига қараб, одамларни иш билан таъминлаш вазифасига юкланган.

Туман фермер хўжаликлари уюшмаси агрономи Ш. Каримовнинг ҳисоботидан олинган маълумотларга кўра, 2012 йилда Шоён қишлоғида 10 та пахтачилик, 1 та чорвачилик, 7 та боғдорчилик фермер хўжаликлари иш олиб борган. Ашурбой Мусаев, Каримжон Эргашев, Хайрулло Файзуллаев етакчилигидаги фермер хўжаликларида 171, 124, 103 гектар экин майдони бўлиб, уларда шунчадан одам иш



билан банд бўлган. Рустам Абдурахмонов, Набижон Шаропов, Абдуқодир Мирзалиев, Аминжонова, Ҳалимжон Тошматов, Собирвой Рустамов, Набижон Шаропов раҳбарлик қилган фермерларда ҳам экин майдони гектари билан теппа-тенг одам ишлаган.

Қишлоқдаги боғдорчиликка ихтисослашган Файбулло Ахмедов, Сайдаматхон Ҳасанов, Мўминжон Охунов, Муҳаммадали Нодиров, Обиджон Ҳакимов, Комилжон Қузиев, Масаидовлар бошчилик қилган фермерларда ҳам ер майдонининг ҳажмига қараб ишчи кучи ишлаган.

Юқорида номлари зикр этилган жамоаларда пахтачилик ва боғдорчиликда яхши натижалар қўлга киритилган. Бундан ташқари қишлоқда 150 дан ортиқ деҳқон хўжалиги бўлиб, уларнинг экин майдонлари 35 сотихдан иборатдир. Улар асосан сабзавот, помидоретиштириш билан шугулланадилар. Шоёнликлар помидорининг сараланган кечки навларини экиб, ҳар йили қишлоқ бўйича 50 минг тоннадан ортиқ ҳосил оладилар.

Айниқса, куз ойларида ҳудудга келаётган машиналарнинг сафи узилмайди. Қишлоқ боғларидан мамлакатимиз шаҳарларига ҳар йили 1000 тонна анор, 270 тонна узум, 280 тонна олма, 300 тонна ўрик етказиб берилади.

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли» деб халқимиз бежиз айтмаган. Шу туфайли қишлоқ аҳолисининг турмуш маданияти ва фаровонлиги яхшиланиб борапти. Бугунги кунда ҳар икки хонадоннинг бирида «Дамас», «Нексия» автомашиналари



бор. Қишлоқ фуқароларининг қўлида 25 тадан ортиқ юк ташиш автомашиналари мавжуд. Шулар жумласидан 2 та 30 тоннали автопоезд машиналари бўлиб, уларда А.Ниёзов, А. Ҳамзаевлар мамлакатимизнинг турли вилоятларидаги ишбилармон ва тадбиркорлар билан шартнома асосида юкларини ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда хорижий шаҳарларга етказиб берилишини таъминлайдилар.

Қишлоқнинг асосий аҳолиси фермер хўжаликларида меҳнат қиладилар, қолгани эса 29- ўрта мактаб, «Шаҳло» болалар боғчаси, врачлик пунктида ишлайди, бошқалари эса ҳунармандчилик, савдо-сотиқ билан машғул.



МУСАЕВ АШУРВОЙ
(1962)

А. Мусаев 2004 йилда қишлоқда биринчиларидан бўлиб, фермерликка бел боғлади. Тасарруфидаги ерларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан бойитиб, унинг унумдорлигини оширишга ҳаракат қилди. Техникадан самарали фойдаланилгани сабабли ҳосилдорлик ортиб режалар ортиғи билан уддланди, моддий манфаатдорлик яхшиланди. Хўжалик ташкил этилгандан буён ҳар йили шартнома вазибалари бажарилади.

Ер ҳайдайдиган ва қатор ораларига ишлов берадиган техникага эга А. Мусаев бошчилигидаги фермер хўжалиги 2013 йилда 171 гектар майдондан 247 тонна пахта, 293 тоннадан ортиқ дон етказиб беришни режалаштирмоқда. Шундан 170 тоннаси давлатга сотилса, режадан ортиги ишчиларга бўлиб берилади.

Ишчан фермер 100 дона ортиқ хонадонни иш билан бандлигини таъминлаган. Жамоа даромади ҳисобидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

А. Мусаев етакчилик қилаётган жамоа қишлоқдаги фермер хўжаликлари ўртасида илғорликни қўлдан бермай меҳнат қилмоқда.

ШОЁН ВА ШОЁНЛИКЛАР ҲАҚИДА СЎНГИ СЎЗ

Қуёш уфқдан бош кўтариши билан ёнбағирликка жойлашган бутун Шоённи ўзининг заррин нурига чўмилтиради. Қишлоқнинг ҳавоси мусаффо. Одамлари серҳаракат, соғлом, феълида ҳазил-мутойиба, санъат, адабиётга ҳавасмандлик намоён.

Азал-азалдан уларнинг одати шунақа. Баҳор фаслида ўтказиладиган турли йиғинлар, ҳашарлар, тўй маросимлари ва бошқа анжуманларда шоёнликларнинг аскиялари ҳаммага завқ-шавқ бағишлаган. Кексаларнинг айтишларича, Ғойибназар, Каримбой, Абдуллажон Узоқов, Тўхтабой, Масаидхўжа

каби отахонларнинг Чуст шаҳри ва Шаҳанддаги сайлгоҳларда маромига етказиб айтган аския пайровлари, ўқиган ғазалларига одамлар тан беришган.

Халқнинг ўртасидаги гапларга қараганда, Каримбой ота шоир Ҳазиний билан учрашган. Унинг ғазалларини Фарғона водийси сайлгоҳларида бўлган анжуманларда мароқ билан куйлаган. Ҳозир ҳам Тўрақўрғон, Шаҳанд, Косонсой ҳудудларига бориб қолсак, қариялар «Ия Каримбой ҳофизнинг қишлоғидан экансизлар-да» дея алоҳида ҳурмат кўрсатишади, унинг номини эслашади.

1952-1954 йилларда 8-9 ёшли чоғимда уйимизга илм аҳллари тўпланиб, баҳс-мунозара қилганларини эслайман. Раҳматли отам Иброҳимжон Раҳмонов саводсиз бўлишларига қарамай, илм-маърифатни яхши кўрадиган одам эдилар. Шунинг учун улар хонадонимизда зиёлиларни вақти-вақти билан жам бўлишларини уюштириб турардилар. Улар диний ва дунёвий билимлар, тарихга оид масалаларда фикр юритардилар.

Давраларда Каримбой ҳофиз, Юнус Алихон, Муҳаммад Саидхон, Мулла Умар, Тўхтабой, Иброҳим Рафиқ, Орифбой, Деҳқонбой, Турсун қори, Тоҳиржон домлалар, Муҳаммад Шарифхўжа, Закирёхон, Мирзааҳмад ҳожилар бўлишарди. Қишнинг узун кечаларида ширин суҳбатлар қуришар, мен эса уларга хизматда бўлардим.

Мироб Ғойибназар отани яхши биламан. У киши қорачадан келган, девқомат, аскияни жон-

дилдан севадиган, очиқ кўнгил инсон эдилар. Улар билан ёз ойларида бир неча бор Қизилтепа қишлоғидан ўтувчи сувни меъёрида оқишини таъминлаганмиз. Ота доимо от устида А. Навоийнинг «Қаро кўзим», «Ўландан сўр» каби ғазаллари хиргойи қилиб юрардилар. Мироб иш юзасидан турли вазиятларга тушиб қолган кезларида ҳам гапни ҳазилга буриб юборардилар, шунда ўртадан ноқулайлик пардаси кўтариларди.

Резаксой сувини экин майдонларига бурган Гойибназар Шокиров, Мирзавой полвон Холмирзаев, Маҳмуджон Каримов каби миробларни қишлоғимиз аҳли чуқур ҳурмат билан эслашади.

Шоён 1926 йилдан Шоён-Баймоқ, 1954 йилдан Шўркент қишлоқ советига қараган. 1992 йил 13 февралдан бошлаб, мустақиллик шарофати туфайли алоҳида йиғинига айланиб, Қизилтепа, Какликқўрғон, Чустнон, Дўстларобод қишлоқларини ўз ичига олган. Шоён фуқаролар кенгаши тузилиб унга Юсуфхон Орипов раис этиб сайланди.

1905-1915 йилларда қишлоқда 4 та сув тегирмони, 3 та мойжувоз, масжид қошида диний таълим берувчи мактаб, чойхона, савдо дўкони, пойабзал устахонаси, тақачилик, аравасозлик устахоналари бўлган. Ҳозирги кунда эса 1 та ўрта мактаб, 6 та савдо дўкони, 1 та нонвойхона, иккита сартарошхона, биттадан косибчилик, темирчилик устахоналари, тиббиёт муассасаси, алоқа тармоқлари ва бошқа кўплаб шахобчалар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Бугун Шоён қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига Қизилтепа, Шоён, Чустнон МФЙ лари бирлашган. ҚФЙ ҳудудидаги 3 та маҳаллада 7792 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шоён қишлоғининг ўзини оладиган бўлсак, бу ерда ҳозир 875 та оилада 3391 нафар аҳоли яшамоқда.

Тарихий манбааларни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида ёзувчи Ҳусайнхон Орифий эътиборли бир манбани айтиб бердилар. Педагогика коллежи ўқитувчиси, кўплаб тарихий рисоаларнинг муаллифи, тадқиқотчи М. Исмоиловнинг бисотидаги «Чуст тарихидан лавҳалар» қўлёзмасида Мавлоно Лутфуллоҳнинг маноқибларида Шоён қишлоғи у кишининг вақф ерлари бўлганлиги, бу жойдан чиққан даромадларни шогирдларига тақсимлаб берганликлари таъкидланган экан. Бундан кўриниб турибдики, Шоён қишлоғи XIV-XV асрлардан илгари ҳам мавжуд бўлган, деган фикрга келиш мумкин.

Ўтмишни қанчалик синчиклаб ўргансанг, у сенга сирларини очаверади. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги ибратли сўзларини келтирмоқчиман. «Инсон ўзлигини англагани, наслнасабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая беради, бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртига муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади» деганлар.

Бу теран фикрлар замирида жуда катта мазмун ва моҳият бор. Шоён қишлоғининг вужудга келиши, номланиши ҳақида аниқ ёзма манбалар бўлмаса-

да, айрим ҳужжатларни таҳлил қилиш, кексаларнинг фикрларини бир жойга жам қилиб, шу асосида ушбу рисола ботишга уриндим. Бу масканда яшаб ўтган олижаноб инсонларнинг ҳаёт йўли, турмуш тарзи, машаққатли меҳнатлари ҳақида ўқиб келажак авлодлар бундан сабоқ чиқариб бугунги ҳур, тинч замонни қадрига етишини албатта ўрганadi. Шундай қилиб, 2008 йил мен ҳаж ибодатидан қайтганимдан сўнг 70 ёшимда бу туйғулар тинчлик бермай кўлимга қалам олдим.

Ушбу китобни вужудга келтиришда, тарихий маълумотларни излаб топишда менга яқиндан ёрдам берган қишлоғимнинг фидойи инсонлари Сидиқжон Каримов, Фуломжон Абдуллаев, 29-ўрта мактабнинг тарих фан ўқитувчиси Ёқубжон Ҳакимов, туман архиви ходими Ҳусниддин Оппоқов, шоёнлик кексаларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Бу рисола қишлоғимиз тарихини ботишда дастлабки қадамдир. Вақтлар келиб, ишончли далилларни яна тўплаб бойитиб, кимдир уни қайтадан ёзишга киришса ажаб эмас. Мен Шоённинг ўтмиши, аجدодларнинг номи унутилиб кетмасин, кейинги даврлар ҳам тарихга айланиб, одамлар ёдидан кўтарилмасин, деган ниятда уни қоғозга тушурдим. Китоб, албатта, камчиликлардан холи эмас. Шунинг учун китобхонлардан олдиндан узур сўрайман.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Й. Қосимов «Қадимги Фарғона сирлари» 1992 йил.

И. Ибрат «Фарғона тарихи» 1991 йил.

В. Наливкин «Кўқон хонлигининг қисқача тарихи» 1986 йил.

С. Қориев «Географик номлар маъносини биласизми?» 1970 йил.

М. Исмоилов, А. Абдусаломов «Тошқўрғон ва Машҳад қишлоқлари тарихидан лавҳалар»

Нажмиддин Фазлиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким, Жўрахон Муҳаммад ҳофиз ўғли «Чуст тарихи» 1995 йил.

И. Камолов «Кўҳна ва навқирон Варзик» 2011 йил.

Чуст туман давлат архиви ҳужжатлари.



М У Н Д А Р И Ж А

Муаллифдан.....	3
Муқаддима ўрнида.....	4
Нега Шоён деб аталади?.....	5
Қишлоқнинг пайдо бўлиш омиллари.....	8
Шолар ва Бахсўлар ким?.....	9
Яна мозийга саёҳат.....	14
Даврлар шамоли.....	16
Экин майдонларининг номланиши ва қоравултепа- лар.....	19
Шўроларнинг коллективлаштириш сиёсати.....	21
Оловли йиллар ёдномаси.....	23
Тинчлик даври ва ундан кейинги йиллар.....	26
Илм олиш ва саломатлик йўлида.....	31
Қадриятлар бешиги.....	33
Табий газ жоннинг роҳати.....	38
Аждодлар - авлодлар ёдида.....	45
Қишлоқнинг фидойи инсонлари.....	57
Осойишталик посбонлари ва ватан ҳимоячилари.....	63
Ислоҳотлар меваси.....	70
Шоён ва шоёнликлар ҳақида сўнги сўз.....	73



4300 сўм.

Адабий-бадиий нашр

**Муҳаммаджон ҳожи
Иброҳимов**

ШОЁН ТАРИХИДАН САДОЛАР

Муҳаррир:	Мирзадавлат ЮНУСОВ.
Тех. муҳаррир:	Нўъмонхон ТОШХОЖАЕВ.
Ком. оператори:	Исмоялхон ТОШХОЖАЕВ.
Мусаҳҳиҳ:	Камолхон БОБОХОНОВ.

Теришга 20.05.2013 й. берилди. Босишга 24.06.2013 й.
рухсат этилди. Шрифт гарнитураси PANDA Times UZ.

Оқ қоғозга офсет усулида босилди.

Бичими 60x84. 1/16. Шартли босма табағи 5,25.

Нашриёт ҳисоб табағи 5,0. Адади 500 нусха.

Буюртма № 279 Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36. Матбуот уйи. 3-қават.

Нашриёт лицензия рақами AN-156

2009 йил 14 августда берилган

**«Чуст босмахонаси» МЧЖ,
Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.**